

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

“КАСБ ТАЪЛИМИ” ФАКУЛЬТЕТИ

“МЕНЕЖМЕНТ ВА ИҚТИСОДИЁТ” КАФЕДРАСИ

**1-МЖ-08 гуруҳ талабаси
Холмирзаев Комолдин Абдулхамидович**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Худудий бошқариш ва унинг самарадорлиги
(Чортоқ тумани мисолида)**

Илмий раҳбар:

доц. О.Арипов

Наманган-2012

Аннотация

Холмирзаев Комолдин Абдулхамидовичнинг «Худудий бошқариш ва унинг самарадорлиги (Чортоқ тумани мисолида)» мавзусидаги битирув малакавий иши худудий бошқариш, унинг самарадорлиги тўғрисида таклиф ва мулоҳазалардан иборат.

Биринчи боб «Худудий бошқаришнинг назарий асослари ва моҳияти» деб номланган бўлиб, унда бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиш босқичлари илмий тарзда ифода этилган. Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги асосий вазифалари ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида худудий бошқаришнинг асосий тамойиллари ва самаралари тўғрисидаги назарий ёндашувлар берилган.

Иккинчи боб «Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Чортоқ тумани худудини бошқариш ва ундаги муаммолар» деб юритилган. Бу бобда Чортоқ тумани худудининг ижтимоий-иқтисодий ва миллий тавсифи, худуднинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ривожланиши таҳлил этилган. Шунингдек, худудий бозор инфратузилмаларни бошқариш ва уларда шаклланган муаммолар аниқланиб, улар тадқиқ этилган.

Учинчи боб «Худудий бошқаришни янада замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари»га бағишланган бўлиб, худудий иқтисодиётни бошқаришда модернизация жараёнларини самарадорлик асосида амалга ошириш масалалари кўтариб чиқилган. Иқтисодиётни модернизациялашда худудий бошқаришнинг аҳамиятини ошириш йўналишлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритилган. Шу билан бирга худудий бошқариш самарадорлигини оширишда инновацияларни қўллаш бўйича ишланмалар яратилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида умумий натижалар асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
1-боб: Худудий бошқаришнинг назарий асослари ва моҳияти	6
1.1. Бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиш босқичлари	6
1.2. Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги асосий вазифалари	9
1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида худудий бошқаришнинг асосий тамойиллари ва самаралари	12
2-боб: Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Чортоқ тумани худудини бошқариш ва ундаги муаммолар	17
2.1. Чортоқ тумани худудининг ижтимоий-иқтисодий ва миллий тавсифи	17
2.2. Чортоқ тумани худудининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ривожланиши	23
2.3. Чортоқ тумани худудини бошқаришдаги маҳаллий муаммолар	29
3-боб: Худудий бошқаришни янада замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари	36
3.1. Худудий иқтисодиётни бошқаришда модернизация жараёнларини самарадорлик асосида амалга ошириш	36
3.2. Иқтисодиётни модернизациялашда худудий бошқаришнинг аҳамиятини ошириш йўналишлари	40
3.3. Худудий бошқариш самарадорлигини оширишда инновацияларни қўллаш	42
Хулоса	47
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	49

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Умуман олганда, ҳудудий бошқариш бир неча хил маънода тушуниладиган тушунча бўлиб, бири давлат миқёсидаги иқтисодиётни бошқаришни англатса, иккинчиси муайян ҳудуд кўламидаги бошқарувни англатади. Биринчиси, макроиқтисодиёт жиҳатидан Республика ҳудудидаги иқтисодиётни ривожлантиришни ва бошқаришни билдиради. Иккинчиси микроиқтисодиёт нуқтаи назаридан бўлиб, бунда ҳар бир вилоят ёки унинг туманларига тегишли иқтисодиётини бошқарилишини ва шу ҳудудни иқтисоди-ижтимоий жиҳатдан бошқаришни билдиради.

Ҳудудий бошқаришдаги самарадорлик кўрсаткичлари ҳақида гапирадиган бўлсак, сўнгги йиллардан «...**бошлаб Давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди**»¹

Кўриниб турибдики, ҳудудий бошқариш самарадорлигини ошириш ва уни модернизациялашни амалга тадбиқ этиш масалалари давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидандир. Ҳудудий иқтисодиётни самарадорлигини оширишда модернизацияни қўллаш ва уни салмоқли амалга ошириш мақсадида бир қатор меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган. Натижада иқтисодиётни бошқариш ва модернизациялаштириш орқали катта ютуқларга эришилди.

Қайд этиш керакки, «мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси моҳияти эътибори билан Ўзбекистонимиз яқин ва узоқ истиқболда ўз олдига қўяётган юксак мақсадларга эришишнинг амалий стратегияси сифатида хизмат қилаётганини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир»². Бу эса давлат сиёсатида ҳудудий жиҳатдан иқтисодий ислохотларнинг устувор вазифалари қаторида замонавий бошқарувни янада ривожлантириш қолаверса, унинг самарадорлигини ошириш масалаларини янада авж олдириш зарурлигини билдиради.

Ҳудудий бошқариш ва уни самарадорлигини ошириш бўйича амалиётда орттирилган ижобий тажрибалар бор. Лекин унинг фаолиятини янада яхшилаш мақсадида амалга ошириладиган вазифалар кўламини кучайтириш, қолаверса, энг муҳими уни давлат томонидан шарт-шароитлар яратишни кенгайтириш зарур. Шунинг учун Республикамиз ҳукумати томонидан иқтисодиётда модернизация жараёнларини бошқарилиши масалаларида қийнаётган айрим муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган чораларни кўриб бориш зарурдир.

Хусусан, ҳудудий бошқариш бўйича яратилаётган ҳуқуқий асослар орқали ривожланиш йўлида илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олганда танлаган мавзу ўта долзарб ҳисобланади.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Ҳудудий бошқариш ва унга оид муаммолар ғарб мамлакатларида чуқур ўрганилган бўлсада, бу соҳада етук мутахассислар жуда кам. Уларнинг қаторида В.Леонтъев, Дж.Кейнс ва Н.Самуэльсон кабиларни номларини келтириш мумкин. Бироқ уларни бу соҳада алоҳида хиссалари борлигини қайд этиб ўтиш зарур. Уларнинг назарий асосланган асарлари дунё миқёсида ўрганилмоқда.

Ўзбекистонда ҳудудий бошқариш билан боғлиқ муаммолар Республикамиз Президенти И., АҚаримовнинг фундаментал-назарий ва амалий жиҳатдан кенг эътироф этилган бир қатор асарларида ўрганилган. Шунингдек, Ё.Абдуллаев, Б.Тухлиев, М.Шарифхўжаев, С.Фуломов, А.Ўлмасов каби иқтисодчиларнинг асарларида ёритилган.

Бироқ, айнан Чортоқ тумани ҳудудида, бошқаришни олиб бориш ва унда самарадорликни оширишнинг баъзи масалалари бўйича ҳали ҳал этилмаган муаммолар

¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 6 бет.

² Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: Ўзбекистон, 2005. 76 бет.

мавжуд. Ўрганилаётган муаммонинг кенг кўламлилиги битирув малакавий иш мавзусини танлаш, мақсад ва вазифаларни белгилашга олиб келди.

Тадқиқотнинг мақсади. Ҳозирги модернизациялаш шароитида ҳудудий бошқариш орқали иқтисодий самарадорликни ошириш ва муаммоларини бартараф этиш юзасидан илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқишдир. Мақсадга эришиш учун қуйидаги вазифалар ечими ҳал этилди:

– бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиш босқичларини ифодалаш;

– давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги асосий вазифаларини белгилаш;

– иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудий бошқаришнинг асосий тамойиллари ва самараларини тадқиқ этиш;

– Чортоқ тумани ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ва миллий тавсифини таҳлил этиш;

– Чортоқ тумани ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ривожланишини ўрганиш ва баҳолаш;

– Чортоқ тумани ҳудудини бошқаришдаги маҳаллий муаммоларни аниқлаш ҳамда белгилаш;

– ҳудудий иқтисодиётни бошқаришда модернизация жараёнларини самарадорлик асосида амалга ошириш тўғрисида мулоҳазалар юритиш;

– иқтисодиётни модернизациялашда ҳудудий бошқаришнинг аҳамиятини ошириш йўналишларини ишлаб чиқиш;

– ҳудудий бошқариш самарадорлигини оширишда инновацияларни кўллаш.

Тадқиқот объекти бўлиб, Чортоқ туманининг ҳудудий иқтисодиёти хизмат қилди.

Тадқиқот предмети сифатида Чортоқ туманининг ҳудудий бошқарилиши ва унинг амалдаги тизими танланди.

Тадқиқотнинг услубий ва назарий асоси Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг мамлакат иқтисодий сиёсатига оид асарлари; ҳудудий бошқаришга доир Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари ва меъёрий ҳужжатлари; ҳудудий бошқариш ва унинг самарадорлигини ошириш бўйича маҳаллий олимларнинг илмий асарлари; республика миқёсида нашр этилаётган иқтисодий йўналишдаги журналлар ва рўзномалар ташкил этади.

Тадқиқотлар жараёнида Чортоқ тумани ҳокимлиги, Наманган вилоят статистика бошқармасининг маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти: модернизация жараёнларини бошқаришни ривожлантириш ва унинг такомиллашувини ёритиш бўйича битирув малакавий иш доирасида бажарилган ишлардан қуйидаги ҳолатларда фойдаланиш мумкин:

- туман ҳудудида иқтисодиётни бошқарилиши бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда;

- тумандаги касб ҳунар коллежлари ва академик лицейларда иқтисодий йўналишдаги фанлардан бир қатор мавзуларни ёритишда;

Битирув малакавий иш кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати қисмларидан иборат.

Битирув малакавий ишнинг кириш қисмида мавзунинг долбзарблиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, унинг амалий аҳамияти асослаб берилган.

Биринчи боб «Ҳудудий бошқаришнинг назарий асослари ва моҳияти» деб номланган бўлиб, унда бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиш босқичлари илмий тарзда ифода этилган. Давлатнинг иқтисодиётни бошқаришдаги асосий вазифалари ҳамда иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудий бошқаришнинг асосий тамойиллари ва самаралари тўғрисидаги назарий ёндашувлар берилган.

Иккинчи боб «Миллий иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Чортоқ тумани ҳудудини бошқариш ва ундаги муаммолар» деб юритилган. Бу бобда Чортоқ тумани ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ва миллий тавсифи, ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий

жиҳатдан самарали ривожланиши таҳлил этилган. Шунингдек, ҳудудий бозор инфратузилмаларни бошқариш ва уларда шаклланган муаммолар аниқланиб, улар тадқиқ этилган.

Учинчи боб «Ҳудудий бошқаришни янада замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари»га бағишланган бўлиб, ҳудудий иқтисодиётни бошқаришда модернизация жараёнларини самарадорлик асосида амалга ошириш масалалари кўтариб чиқилган. Иқтисодиётни модернизациялашда ҳудудий бошқаришнинг аҳамиятини ошириш йўналишлари тўғрисида фикр ва мулоҳазалар юритилган. Шу билан бирга ҳудудий бошқариш самарадорлигини оширишда инновацияларни қўллаш бўйича ишланмалар яратилган.

Битирув малакавий ишнинг хулоса қисмида умумий натижалар асосида таклифлар ишлаб чиқилган.

1-боб. Худудий бошқаришнинг назарий асослари ва моҳияти

1.1 Бошқаришнинг назарий ва амалий жиҳатдан ривожланиш босқичлари

Бошқаришга доир дастлабки ёндашувлар ғарб адабиётларида келтирилган бўлиб, бу борадаги биринчи илмий назарий ишлар Платон, Цицерон, классик сиёсий иқтисодчилар Адам Смит ва Давид Рикардо номлари билан боғлиқ¹. Бу даврда бошқарувнинг иқтисодий ёндашувлари яхши ривожланган бўлса-да, макроиқтисодиёт тушунчасини англаб олиш қийин бўлган. «Кўринмас кўл» концепцияси асосида бозор иқтисодиётининг бошқарилиш тенденциялари ишлаб чиқилган. Бозор иқтисодиёти шароитида ўз-ўзидан бошқарилишнинг тамойиллари амал қилган.

Бироқ, Дж. Кейнс назарияси яратилгач, макроиқтисодий ёндашувларга хос қонуниятлар шаклланиб, микроиқтисодий ёндашувлардан фарқланди. Бошқарувда давлатнинг аралашувини шарт-шароит яратиш нуқтаи назардан зарурлиги эътироф этилди. Бундай ёндашув бир томондан фалсафий қарашларни ҳам такомиллашувига олиб келган².

Илмий адабиётларда келтирилишича, бошқаришни фан сифатида шаклланишига Фридерик У. Тейлор катта ҳисса қўшган³. Унинг бошқарув асосларига доир бир қатор асарлари: "Корхонани бошқариш" (1910 й.), "Бошқарувни илмий асосда ташкил қилишнинг принципи ва усуллари" (1911 й.) кабилар яратилган. Бироқ, Тейлор қарашлари корхона миқёсидаги бошқарувга йўналтирилган бўлса-да, унинг муайян худудий бошқаришнинг бир таркибий қисми сифатидаги хиссасини инкор этиб бўлмайди.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ва XX аср бошида техника ҳамда технология такомиллашуви, ишлаб чиқаришнинг кескин ўсиши бошқаришни мураккаблаштириб юборди ва уни махсус билимларни талаб этувчи, фойдалининг махсус соҳасига айлантирди. Натижада бошқарув тўғрисидаги янги янги таълимотлар вужудга келтирилди. Шу даврдан бошлаб ҳозирги кунга қадар бошқарувда тўрт йўналиш (мактаб) эволюцион тарзда ривожланган ва худудий бошқаришнинг ривожланиб боришига ўзининг ҳиссасини қўшган (1.1-жадвал).

XX асрнинг иккинчи ярмида фан ва техника тараққиёти натижасида бошқарувнинг аҳамияти ортиб борди. Натижада бошқарув тизими нафақат ишлаб чиқариш жараёнларини мувофиқлаштириш, балки унинг моҳиятини чуқурроқ ёритиб бериш учун янги ёндошувларни пайдо бўлишига сабаб бўлди. Хусусан, вазиятли ёндошув инсон ресурсларидан тўғри фойдаланиш ҳисобига корхона самарадорлигини оширишга йўналтирилган. Бундай ғоянинг асосчиси бўлиб Е.Мэйо ҳисобланган⁴. Шунингдек муҳим аҳамиятга эга бўлган тизимли ёндашув пайдо бўлиб, унинг мазмуни шундан иборатки, унда корхона бошқаруви мураккаб динамик, доим ривожланиб борувчи тизим сифатида қаралади. Бундай ёндошув бошқарувни бир вақтда бажарилувчи ягона фаолият сифатида эмас, балки "бошқарув функциялари (вазифалари)" деб ном олган бир неча узлуксиз ва ўзаро боғлиқ хатти-ҳаракатлар мажмуаси сифатида қаралиши керак деган хулоса қилишга имкон берди. Ушбу бошқарув вазифалари бошқаришни ташкил этишнинг ички мазмунини ташкил этади. Юқоридаги ғоянинг асосчиси А. Файоль олти асосий вазифаларни таклиф этди. Унинг фикрича бошқариш деганда таҳмин қилиш ва режалаштириш, ташкил этиш, қарор қабул қилиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилиш деб таърифланади. Бошқа иқтисодчилар бу таълимотни бошқа бошқарув функциялари

¹ История экономических учений. Учебник. / Под ред. В.Автономова, О.Ананьина, Н.Макашевой. –М.: ИНФРА-М, 2000. 42 бет.

² Keynes J.N. The Scope and Method of Political Economy. L, 1891. p. 12-13.

³ Глухов В.В. Менеджмент. Учебник. –СПб.: 1999. 15 бет.

⁴ Қаранг: See Elton Mayo, The Human Problems of an Industrial Civilization (New York Macmillan, 1933).

билан биргаликда ёки айнан ушбу функцияларни қисқартирган ҳолда шундай талқин қилишади¹.

1.1-жадвал. Бошқариш таълимотидаги тўрт йўналиш

Т/р	Мақтаб номлари (йиллар)	Намоён-далари	Турли мактабларнинг бошқарув таълимотига қўшган ҳиссаси
1.	Илмий менежмент (1885-1920)	Ф.Тейлор Г.Эмерсон ва б.	<ul style="list-style-type: none"> ◆ Вазифани бажаришнинг мақбул усулларини топиш мақсадида илмий таҳлилни қўллаш; ◆ Вазифани бажарувчи энг мақбул ходимларни танлаш ва уларнинг ўқитилишини таъминлаш; ◆ Вазифани самарали бажарилишини таъминловчи ходимларни зарур ресурслар билан таъминлаш; ◆ Юқори меҳнат унумдорлигини таъминлаш мақсадида ходимларни мунтазам рағбатлантириб туриш.
2.	Классик ёки маъмурий менежмент (1920-1950)	А.Файол М.Вебер ва бошқалар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ Бошқарув тамойилларини ривожлантириш; ◆ Бошқарув вазифаларини баён этиш; ◆ Ташкилотни ялпи бошқаришда тизимли ёндашувни асослаш.
3.	"Инсоний муносабатлар" мактаби (1950 йилдан бугунги кунгача)	Э.Мейо Р.Лайкерг ва бошқалар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ Меҳнат унумдорлигини ошириш мақсадида ўзаро муносабатлардан қониқиш ҳосил қилувчи усулларни қўллаш; ◆ Компаниянинг сиёсати ва истиқболини ходимларнинг ҳулқ атвориға асосланган ҳолда ташкил этиш.
4.	Миқдорий тизимли ёки замонавий менежмент (1950 йилдан ҳозирги кунгача)	Г.Саймон П.Друкер Э.Дейл ва бошқалар	<ul style="list-style-type: none"> ◆ Мураккаб бошқарув муаммоларини чуқурроқ тушуниш мақсадида турли моделларни ишлаб чиқиш ва уларни қўллаш; ◆ Мураккаб вазиятларнинг ечими бўйича бошқарув раҳбарларига ёрдам берувчи миқдорий усулларни ишлаб чиқиш.

XXасрнинг 30-йилларида АҚШда бошланган «Буюк депрессия» иқтисодиётни бошқаришнинг икки тури борлигини исботлаб қўйди. Эндиликда нафақат корхоналар иқтисодиётини бошқариш, барли худудлар иқтисодиётини бошқаришга ҳам алоҳида эътибор зарурлигини фан орқали исботланб қўйилди. Бу янги таълимот Дж.Кейнс томонидан яратилиб, макроиқтисодий ёндашувлар асосида бошқаришни ташкил этиш корхоналар бошқарувига хос тамойиллар асосида амалга ошириб бўлмаслигини тасдиқлади. Макроиқтисодиётнинг ўзи янги қонуниятлар асосида бошқарилиши ва унинг ўзига хос тамойиллари борлиги ривожланаётган фан миқёсида қайд этилди.

Бу борада Шарк оламида ва дунёда катта салоҳиятга эга бўлган улуғ шахслардан Абу Носир Форобий, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Амир Темур, Ибн Холдун, Захириддин Муҳаммад Бобур, Ал-Хоразмий, Алишер Навоий ва бошқалар ҳаёт йўли ва фаолиятини алоҳида ўрганиш тақозо этилади.

¹ Қаранг: Мескон М.Х., Альберт М., Хедоури Ф. Основы менеджмента. –М.: 2000. 68-72 бетлар.

1.2-жадвал. Бошқарув таълимотининг ривожланиш босқичлари¹

Асосий тушунчалар	1900 йиллар бошлари Классик мактаб	20-йиллар Ижтимоий муносабатлар	1940-1950 йиллар Тизимлар назарияси	1960-1970 йиллар Эхтимоллар назарияси
Ёндошув	Илмий бошқарув, административ бошқарув, бюрократик бошқарув	Асосий эътиборни инсонлар ва уларнинг эҳтиёжларига қаратилади	Таҳлил, режалаштириш ва мос тизимларни қўллаш	Механик ва органик тизимларнинг ўзаро мувофиқлиги.
Мотивация назарияси асосидаги бошқарув тизими	Иқтисодий бошқарув. Келишувга асосан тўланадиган иш хақи	Ижтимоий бошқарув. Ўз-ўзини назорат қилиш. Ишдан мамнун бўлиш	Тизимлар бошқаруви. Ижтимоий эҳтиёжларни ташкилот динамик ривожланишига мувофиқлиги	Комплекс бошқарув. Ўз ишини юқори даражада бажарувчиларни рағбатлантириш
Ташкил этиш	Бошқарув тизимлари, ваколатлар, жавобгарлик ва алоқа	Патерналистик ташкилотлар. Алоқали тизим-лар	Қарор қабул қилиш учун ахборот тизимлари, ташкилот ва бошқарув мақсади билан шахсни аниқлаш	Ўзгаришлар тезлиги формал ва ноформал омиллар орқали назорат этиб борилади. Бизнес ва жамият. Ихтисослаштириш ва умумий тамойиллар.

Ўнлаб буюк давлат арбоблари, саркардаларнинг ижодий мерослари, айниқса, соҳибқирон Амир Темурнинг "Темур тузуклари" асари бошқариш илми ривожига катта ҳисса қўшганлиги билан ажралиб туради. Бизга маълумки, Амир Темур улкан салтанатни идора қилган даврларда давлатни бошқаришда вазирликларни жорий қилди, бошқарувда илмийликка асосланди, яккахокимлик, иерархия, билимдонлик каби тамойилларни жорий қилди. Ўз салтанати юмушларини қуйидаги тўрт тамойил асосида бошқарди: кенгаш, маслаҳат, хушёрлик (мулохазакорлик) ва эҳтиёткорликка суянди.

Ўзбекистонда шаклланган тажрибаларни ўрганиш ва таҳлил этиш келажакда уни такомиллаштириш йўлларини аниқлаб олишга ёрдам беради. Ўзбекистон иқтисодиётида бошқаришнинг ташкил топиши ва ривожланишига Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга таянган ҳолда, жаҳонда "ўзбек модели"га асос солинди.

Бугунги кунда изчиллик билан амлга оширилаётган ислохотлар натижасида бошқарув жараёнига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- бозор механизмларини шаклланиши, уни давлат томонидан тартибга солиниши (ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларига ўтиш);
- бошқарувни энг аввало истеъмол товарларига бўлган талабларни кондиришга ҳамда уларни илғор технологиялар асосида ишлаб чиқаришга йўналтирилганлиги;
- рақобатнинг халқаро даражада тус олиши;

¹ Жадвал муаллиф томонидан Бошқариш назариясига доир илмий манбалар асосида тузилган.

- ташкилот ва муассасалар фаолиятида ижтимоий ва экологик талабларни кучайиши ҳамда улар самарадорлигининг ташқи омилларга мослаштирилаётганлиги;
- бошқарувни, жумладан, маъмурий менежментнинг профессионаллашуви;
- бошқарувда ижтимоий аҳамиятни ортиши ва уни доимий тарзда баҳолаш зарурлиги;
- бошқарув ходимларини тайёрлаш, малакасини мунтазам ошириш, қайта тайёрлаш тизимини замон талабларига мос равишда такомиллаштириш.

Ўзбекистонда ушбу ва бошқа омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда зарурий тадбирлар ва ислохотлар амалга ошириляпти. Натижада бошқаришни демократиялаштириш ва ташкилотчилик маданиятига эришилди, буйруқбозлик тизимидаги бошқарув услубидан бозор муносабатлари бошқарувига ўтилди, муассасалар фаолиятини йўлга қўйиш соҳасидаги ўзгаришлар жараёнида бошқарув механизмлари такомиллаштирилди.

Умуман, амалиётда бошқарув тизимини ислоҳ қилишнинг тадрижий йўли танланди. Бу йўл бошқариш жараёнларида ислохотларни тинч, аста секин ва босқичма-босқич амалга оширишга олиб келганлиги, бошқарувда тўғри йўл танланганлигидан далолат беради.

1.2. Давлатнинг иқтисодий таъсирини бошқаришдаги асосий вазифалари

Дж. Кейнс таълимоти яратилгандан сўнг давлат миқёсидаги бошқарувнинг ўзига хос тамойиллари ва қонун-қоидалари амал қила бошлади. Кейинсининг фикрига кўра, давлат ўзининг тартибга солиб турувчи функциялари билан иқтисодий таъсирини бошқарилишига аралашиб, уни самарали ривожланиб боришига шарт-шароит яратиши керак. Бу гипотеза ўтган асримизнинг 30-йилларида АҚШ иқтисодий таъсирини «Буюк депрессия»дан чиқиб олишга имкон яратди.

Ҳозирги даврда ҳар бир давлатнинг ўз иқтисодий таъсирининг ривожланишига аралашуви серқирра фаолият ҳисобланиб, ҳар бир мамлакатда муайян шароитдаги вазифага ҳамда мақсадга асосан турлича амалга оширилади. Жумладан, Ўзбекистонда 90-йилларнинг охиридан то ҳозирги даврга қадар давлатнинг иқтисодий фаолияти, эскиртдан ҳукмрон бўлиб келган режали иқтисодий таъсирини янги бозор иқтисодий таъсирини айланттиришдан иборат бўлмоқда. Бу тўғрида Президентимиз И. А. Каримов – «Ўзбекистонда ўтказилаётган туб иқтисодий ислохотлар... пировард натижада демократик ўзгаришлар қилиш, кучли сувирент ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам моддий негизни яратишга йўналтирилгандир. Мақсадимиз – демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу – бизнинг эзгу – орзуимиз, стратегиямиздир»¹, - деб кўрсатган.

Юқорида қайд этганимиздек, давлатнинг ҳўжалик фаолияти соҳасидаги вазифалари турли мамлакатларда турлича ҳамда кўп қиррали бўлиб, барча мамлакатлар учун умумий бўлган асосийлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

1. Иқтисодий таъсирини ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш (корхоналарнинг ҳамда аҳолининг фаолият қилиши қонун – тартиботларини, ҳуқуқларини аниқ белгилаш). Ҳозирги даврда мулк тўғрисида, ёр тўғрисида, солиқлар, нафақалар ҳақидаги қонунларнинг тўғри ва объектив бўлиши зарур.
2. Макроиқтисодий ривожланиш устунлигини таъминловчи асосий йўлни белгилаш. Яъни, мамлакат учун ҳозирги даврда муҳим ҳисобланаган йўналишни аниқлаш, унга қандай ва қанча ресурслар зарурлигини, унинг

¹ Ёадеи і а Ё. А. "Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар... пировард натижада демократик ўзгаришлар қилиш, кучли сувирент ҳуқуқий давлатни барпо этиш учун мустаҳкам моддий негизни яратишга йўналтирилгандир. Мақсадимиз – демократик, адолатли, фуқаролик жамиятини барпо этиш. Бу – бизнинг эзгу – орзуимиз, стратегиямиздир" - Ё.: Ўзбекистонда иқтисодий ислохотлар, 1995. 246- 247 абабад.


самарасини, экологик ва халқаро аҳамиятини ҳамда оқибатини аниқлаш зарур (инвестиция ва таркибий сиёсат).

3. Даромадларни қайта тақсимлаш вазифаси. Яъни, бюджет тушумлари ҳамда харажатларини, фойданинг ажратмаларини ва сарфларини тўғри белгилаш.
4. Социал йўналишни тўғри белгилаш. Яъни ҳар қандай ривожланиш аҳолининг социал аҳволини яхшилашга хизмат қилишини таъминлаш. Агар уни таъмин этмаса, ундай иқтисодий ривожланиш салбий оқибатларни келтириб чиқаради (масалан, маъмурий буйруқ тизимидаги каби).
5. Юқоридаги вазифаларни тўғри амалга ошиши учун мамлакатнинг иқтисодий фаолиятини бошқариш. Бунинг учун, масалан, ҳозирги даврда рақобатни ҳимоя қилиш, мамлакатда даромад ва бойликни қайта тақсимлаш тизимини жорий этиш, халқ хўжалиги тармоқларидаги тузилишни замон ва бозор талабига қараб ўзгартириб бориш, шунингдек иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш (бандлилик ва инфляция даражасини назорат қилиб бориш).

Иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш фақат иқтисодий тадбирлар билан амалга оширилиши лозим, маъмуриятчилик, буйруқбозликка айланмаслиги керак. Бунинг учун аввало давлатнинг бозор механизмини яхши ҳаракатга келтирувчи қонунлари, иқтисодий ва социал тадбирлари шунингдек, назорати кучайтирилиши лозим. Шунинг билан бирга давлатнинг тадбиркорлик ишлари ҳам жорий этилиши лозим, яъни ўрнатилган ҳам бўлиши лозим. Айниқса давлат фақат ўз манфаатларига тегишли муаммоларнигина ҳал қилувчига айланиб қолмаслиги керак. Бундай ҳолда унинг маъмуриятчиликчилиги кучаяди.

Буйруқбозлик тизими кучайганда давлат билан иқтисодиётнинг бир-бирига таъсири 1.1-чизмада кўрсатилганидек тус олади. Бунда барча бошқарув режали тарзда амалга оширилиши қайд этилади. Режалар эса давлат томонидан ишлаб чиқилади. йилдан йилга режаларни бажарилиши бўйича чора-тадбирлар кўриб борилади. Давлат режасини бажариш мақсадида бозорнинг табиий қонуниятлари инкор этилади. Бу ўз навбатида сунъий тарздаги бошқаришни ташкил этишга олиб келади. Чунки рақобат муҳити, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуниятлари ишламайди. Бошқача айтганда бу қонуниятлар маъмурий буйруқбозлик тизимида қоралади.

1.1-чизма. Буйруқбозлик тизимида иқтисодиётнинг бошқарилиши




Бунда давлатнинг бозор талабларига бўлган муносабати ва эътибори корхона манфаати орқали амалга оширилади. Корхона фаолиятига баҳо бозор эмас, давлат томонидан берилади. Марказ томонидан буйруқ асосида иш ташкил этилади. Баҳони белгилаш товар турлари ва ҳажмини белгилаш давлатга бўйсундирилади. Юқоридан режалаштирилган бошқарув амалга оширилади. Баҳолар давлат томонидан қатъий белгиланган бўлиб, эгилувчанлиги бўлмайди. Натижада давлатнинг бюрократик тамойиллари кучайиб боради. Рақобат механизмини чегаралаб боради ва унга қарши курашади. Рақобат ўрнига «социалистик мусобақа» кўринишидаги вазият шаклланади.

Корхоналарнинг иқтисодий жиҳатдан эркин фаолияти сундирала боради. Натижада коррупция кучаяди.

Аслида давлат ўзининг макроиқтисодиётга аралашувини чегаралаб, макроиқтисодиёт муаммоларини ҳал этиб бориши лозим ҳолос. Прогноз ва программалашни ривожлантириш керак. Аралаш иқтисодиётда давлатнинг иқтисодиётга таъсири 1.2-чизмада келтирилганидек бўлади:

1.2-чизма. Бозор муносабатлари шароитида иқтисодиётнинг бошқарилиши



1.2-чизмада бозор муносабатларига асосланган иқтисодий тизимда давлатнинг шарт-шароит яратишдаги функциялари мавжуд эканлигини кўз олдимизга келтиришимиз мумкин.

Бозор учун ишлаб чиқариш бор жойда пул ўта муҳим иқтисодий восита бўлади. У ишлаб чиқаришни такрорланишига хизмат қилади, иқтисодий ўсишга кўмаклашади. Пул шаклидаги маблағлар бозор орқали ресурсга айланади, ресурслар иштирокида товарлар яратилади, товарлар сотилиб яна пул олинади. Шундай ҳаракатнинг қайтарилиб туриши иқтисодий жараён юз берганини билдиради.

Бироқ, бу хатти-ҳаракатларнинг барчаси маълум бир чегараланган имкониятлар доирасида амалга ошади. «Инсоннинг жисмоний ва ақлий имкониятлари, вақт, маблағ ва барча ресурслар чегараланган. Улар микро ва макрокўламда ҳам ва хатто жаҳон миқёсида ҳам чегараланган»¹. ана шу чегараланган имкониятлар доирасида давлат ўзининг вазифаларини тўғри амалга ошириб бориши лозим.

Давлат ўз вазифаларини бажариши учун харажатлар қилиш зарур. Булар таркибида давлатнинг инвестиция учун ажратган, социал вазифаларини бажаришга қаратилган, давлатни бошқариб туриш, муҳофаа учун кетадиган харажатлар асосий ўринда туради. Умумдавлат харажатлари аниқ мақсадларга қаратилади ва режалаштирилади, сўнгра улар сарфланиб кетади.

Умумдавлат харажатлари бюджет орқали молиялаштирилади. **Давлат бюджети, бу умумжамиат миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурсларни аниқлатади.** У даромад ва харажат қисмларидан иборат бўлади. Бюджетнинг даромад қисмини шакллантиришда, мулк шаклидан қатъий назар, ҳамма иқтисодий субъектлар иштирок этадилар, уларнинг иштироки солиқлар тўлаш шаклида юз беради. Бюджетнинг харажатлари умумдавлат молия фондларини ташкил этган тушумларни тақсимотидан иборат, мълум мақсад йўлида ишлатилишидир.

Бюджет харажатлари ишлатилишига қараб тўрт хил бўлади:

а) ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун кетадиган сарфлар, хусусан, инвестиция сарфлари;

б) социал маданий сарфлар, яъни давлатга қарашли социал маданий хизмат соҳаларини, чунончи соғлиқни сақлаш, социал таъминлаш, маориф ва маданиятни пул маблағлари билан таъминлаб туриш сарфлари;

¹ Йўлдошев З., Қосимов М. Макроиқтисодиёт асослари. –Т.: Ўқитувчи, 1994. 5 бет.

- в) давлат бошқариш харажатлари;
- г) мамлакатни мудофаа қилиш ёки харбий харажатлар.

Бюджет даромадлари унинг харажатларини қоплаши шарт. Ўзбекистон бюджети даромади ва харажатлари давлатнинг монетар ва фиксал сиёсатига кўра амалга ошириб борилади.

Агар бюджет даромадлари харажатларни қоплай олмай, камомад ҳосил бўлса, **бюджет тақчиллиги** юзага келади. Аммо ҳар қандай тақчилликни хатарли деб бўлмайди. Агар тақчиллик ҳажми яратилган миллий маҳсулот қийматининг 2-5 фоизга тенг бўлиб, ундан ошиб кетмаса, бу иқтисодиёт учун нормал ҳол ҳисобланади.

Даромад ва мувофиқлаштириш орқали тақчилликни бартараф этилади, аммо асосий йўл - бу иқтисодиётни ўстириш орқали бюджет даромадларини оширган ҳолда камомадни нормал ҳолга келтиришдан иборат.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида жуда кўп ривожланган мамлакатларда бюджет камомадни сезиларли тарзда ошиб кетди. Бугунги кунда Греция ва Испания мамлакатларида давлат бошқаруви билан боғлиқ масалаларда жиддий муаммолар юзага келганки, бу мамлакатни дефолт ҳолатига тушуриб қўймоқда¹.

Ўзбекистонда давлат томонидан бошқариш тамойиллари «ўзбек модели»га асосланган бўлиб, бугунги кунда уларни нақадар тўғри эканлигини жаҳон ҳамжамиятида эътироф этилмоқда.

1.3. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ҳудудий бошқаришнинг асосий тамойиллари ва самаралари

Ҳудудий кўламда бошқарувни ташкил этишда муайян тамойилларга ёндашилади. Ҳудудий миқёсдаги бошқарув тамойили – бу маҳаллий шароитда фаолият юритиш, маҳаллий халқнинг асосий қоидаси, етакчи ғоясидир. Ҳудудий кўламдаги барча шарт-шароитлар ҳисобга олиниши шарт. Илмий адабиётларда одатда ҳудудий бошқарув тамойиллари деганда ҳудуд ва маҳаллий иқтисодиётни бошқарувида қўлланиладиган ва раҳбарлик қилишда асосланиладиган асосий қоида, йўл-йўриқ, хулқ меъёрлари тушунилади. Ҳудудий бошқариш тамойиллари иқтисодиёт қонунлари таъсири натижасида бошқарув усулларига боғлиқ ходисалар моҳиятини акс эттиради. Бошқарув механизми схемасини қуйидагича ифодалаш мумкин:

1.3-чизма. Иқтисодиётни бошқариш механизми²



Ҳудудий бошқарув тамойиллари ўзаро боғлиқ ва биргаликда қўлланилиши лозим. Маълум бир ҳудуднинг урф-одатлари ва миллий анъаналари ҳисобга олиниши керак.

Ҳудудий миқёсдаги маҳаллий бошқарувнинг асосий тамойилларга қуйидагилар киради:

1. Бошқарувда яккабошчилик ва коллегиялик тамойили. Яккабошчилик тамойили бевосита ишлаб чиқаришда ишлаб чиқариш персонали аъзоларининг ягона раҳбар

¹ www.mig.ru // Экономические состояния Греции и Испании.

² Чизма муаллиф томонидан илмий манбалар асосида тузилган. Асосий манба: Давлат қурилиши ва бошқаруви: (Муаллифлар жамоаси). –Т.: Фофур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2007.

буйруқларига қатъий бўйсунушини талаб қилади. Худудий кўламда вилоят ёки туман хоқими муайян вилоят иқтисодиётини бошқарилишида яккахоқимлик тамойилига асосланади. Юқори даражадаги раҳбар қуйи бўғин раҳбари ваколатига кирувчи масалаларни ҳал этмаслиги лозим. Бу тамойилни амалга оширишнинг асосий шартлари ҳар бир ижрочининг ҳуқуқ, бурч, мажбуриятларини қатъий белгилаб қўйишидир. Ягона бошчилик коллегиялик, қабул қилинадиган қарорлар ошкоралиги билан қўшиб олиб борилиши керак. Коллегиялик интизом, раҳбар, ягона шахс иродасига сўзсиз бўйсунуш билан бирга амалга ошириши керак. Демократия, ошкоралик ҳар бир кишига ўз фуқаролик қарашларини намоён қилиш, бошқарув қарорларини ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол қатнашиш учун имкон яратади.

2. Илмийлик тамойили. Бошқарув тамойиллари орасида валютаризмни инкор қилувчи ҳар бир раҳбар иқтисодий қонунлар, жамият ривожланишининг объектив йўналишлари, бу соҳада миллий ва чет эл тажрибасини қўллашнинг тақозо қилувчи ўрин эгаллайди.

3. Режаллик тамойили. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқаришни режали бошқариш - бизнес ва стратегик режасини тузиш - иқтисодий сиёсатларни амалга оширишнинг муҳим шартидир. Бу тамойил ишлаб чиқариш ривожланишининг узоқ муддатга мўлжалланган йўналишлари, суръатлари ва нисбатларини, суръатлари ва нисбатларини белгилашни ифода қилади.

Ишлаб чиқаришни режалаштириш бошқаришнинг асосий вазифаларидан биридир. У иқтисодий қонун, ишлаб чиқаришнинг ҳозирги ҳолатини илмий таҳлил этиш, эҳтиёжларни истиқболни аниқлаш техникавий ва ташкилий қарорларни қабул қилиш асосида амалга оширилади. Бозор иқтисодиёти шароитида стратегик режалаштириш – у ёки бу тармоқ ривожланишининг мақбул нисбатларини, энг муҳими ресурслардан самарали фойдаланиш йўллариини белгиловчи иқтисодий ривожланиш параметрларини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга бўлади.

4. Бошқарув шакли ва усулларини такомиллаштириб бориш тамойили. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг уч шакли мавжуд: хусусий, жамоа, давлат бошқаруви. Бошқарувнинг хусусий шаклида мулкдор якка ўзи қарор қабул қилади ва бутун иш учун жавобгар бўлади. Бошқарув хусусий шаклининг ижобий томони мулк эгаси ишларни боришини ўзи тўлиқ назорат қилиш имкониятига эгаллигидир. Камчилиги эса сармоянинг унча катта бўлмаслиги ва бир киши бошқарувнинг турли вазифаларини бажаришига мажбурлигидир. Мулкдор бошқарувнинг барча вазифаларини амалга ошириши керак бўлади: режалаштириш, ташкил этиш, рағбатлантириш, йўқатош зарар ва бошқалар шахсан ўзи иштирокида амалга ошади. Кучли рақобат шароитида мулкдор синмаслиги учун доимо ўз билимларини кўпайтириб, бошқарув усулларини такомиллаштириб, яъни ишчиларга таъсир этиш йўллариини бозорда мавжуд ҳолатга мос равишда ўзгартириб бориши керак.

Бошқарувнинг жамоа шаклида икки ёки ундан кўп жисмоний ва ҳуқуқий шахслар бошқарув қарорларини биргаликда қабул қиладилар ва корхона ёки акциядорлар жамияти фаолияти учун жавобгар бўладилар. Шерикчилик нисбатан малакали бошқарув қарорларини қабул қилиш, бошқарувнинг хусусий шакли камчиликларини бартараф этишга имкон яратади. Бошқарувнинг жамоа шаклининг афзаллиги шериклар акция сотиш йўли билан қўшимча сармоя жалб қилиш имкониятига эга бўлишидадир. Бошқарувнинг жамоа шакли директорлар кенгаши томонидан амалга оширилиб, у асосий бошқарув сиёсатини ва бошқарувнинг мажуд вазиятга мос иқтисодий, ташкилий-бошқарувчилик, ижтимоий-психологик, ҳуқуқий усулларини танлайдилар. Бошқарувнинг жамоа шаклининг асосий камчилиги барча шериклар - акция эгалари бошқарувда ва корхона фаолиятини назорат қилишда қатнаша олмайди. Унинг яна бир камчилиги - корпорация, акциядорлар жамияти ёки корхона акциядорларидан «икки ёқлама» солиқ олинишидир, чунки корхона фойдадан, акциядорлар эса қўшимча равишда дивидентдан солиқ тўлайдилар.

Худудий бошқарув шакли давлат ёки маҳаллий мулк бўлган корхоналарда амалга оширилади. Давлат бу корхоналар фаолияти учун тўлиқ жавоб беради.

5. Кадрлар танлаш ва жойлаштириш тамойили. Бозор иқтисодиёти шароитида кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш тамойили маҳим аҳамият касб этади. Бозор муносабатлари бошқарув кадрларига қатъий талаблар қўяди, уларнинг ишбилармонлик сифатлари, ишлаб чиқариш олдида турган масалаларни белгилайди.

6. Агентлар мустақиллик ва эркинлиги тамойили. Бозорда агентлар фаолияти иқтисодий жавобгарлик билан биргаликда амалга ошириши керак.

7. Шахсий ташаббус тамойили. Бозорда ишбилармон, омилкор, шахсий фойда учун ҳаракат қилувчи, тадбиркор кишилар фаолият юритиши керак.

8. Жавобгарлик ва таваккалчилик тамойили. Тадбиркор ўз фаолияти учун жавобгар бўлиши, бунда маълум таваккалчилик ҳам ҳисобга олиниши, яъни тадбиркорнинг ўз ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўлиши керак.

Иқтисодий ислохотларнинг пировард натижалари уни амалга ошириш объектдан қатъий назар (республика, тармоқ, корхона), мужассамланган ҳолда худудий бирлик (вилоят, туман, шаҳар)лар даражасида намоён бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида бошқарувнинг тармоқ тизимидан функционал тизимига ўтиши худудий-маҳаллий бошқарув органлари мавқеини янада оширишни тақозо этади.

Асосий қонун - Конституциямизнинг XXI боби «Маҳаллий давлат ҳокимияти асослари» деб аталиб, унга биноан 1993 2 сентябрда Ўзбекистон Олий Мажлиси «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида» ва «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариши органлари тўғрисида» икки муҳим қонунни қабул қилди. Шу ҳужжатлар асосида мамлакатимизда олдин амал қилиб келган уч бўғинли маҳаллий бошқарув органлари тизими ўрнига икки бўғинли тизим вужудга келди. (1.3-жадвал).

Республикада туманларнинг икки тури мавжуд:

- вилоятлар таркибига кирувчи туманлар;
- шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар.

Шаҳарларнинг эса уч тури:

- туманга бўйсунувчи шаҳарлар;
- вилоятга бўйсунувчи шаҳарлар;
- республикага бўйсунувчи шаҳарлар мавжуд.

Худудий-маҳаллий вакиллик органлари икки бўғинли тизимнинг ўрнатилиши билан чекланилмай, мавжуд худудий тузилмаларнинг ҳам баъзиларида маҳаллий вакиллик органлари тузилмайдиган бўлди. Хусусан, Конституция ва қонун шаҳар таркибига кирувчи туманларда ва туманга бўйсунувчи шаҳарларда вакиллик органларининг тузилишини назарда тутмайди.

Маҳаллий вакиллик органларининг икки бўғинли тизими орқали (худудда) маҳаллий бошқаришнинг иккита туташ органи фаолият кўрсатади.

1.3-жадвал. Маҳаллий бошқарув органлари

Уч бўғинли маҳаллий бошқарув		
Юқори бўғин	Ўрта бўғин	Қуйи бўғин
Вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши	Туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши	Қишлоқ, кўрғон, овул халқ депутатлари кенгашилари
Икки бўғинли маҳаллий бошқарув		
Юқори бўғин	Қуйи бўғин	
Вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгаши	Туман, шаҳар халқ депутатлари Кенгаши	

Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳарлар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) халқ депутатлари Кенгашлари давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари бўлиб ҳисобланадилар.


Вилоят, туман, шаҳар ҳокими вилоят, туман ва шаҳарнинг олий мансабдор шахси бўлиб, айна бир вақтда тегишли ҳудуддаги вакиллик ва ижроия ҳокимиятини бошқаради.

Вилоят, шаҳар ёки туман миқёсида марказий қарорларга асосланиб чиқарилган маҳаллий қарорлар шу ҳудуднинг ўзига тааллуқлидир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир ҳудуд ўз иқтисодий ривожланишида кўпроқ эркинликка эга бўлиши, ишлаб чиқариш натижаларидан, аввало ушбу ҳудуд аҳолиси манфаатдор бўлиши лозим. Чунки мулк ҳам ҳудудий. Ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш, хўжалик юриштининг янги усуллари вужудга келдики, буларга эскича усул билан, эски органлар билан раҳбарлик қилиб бўлмайди.

Бир мамлакатда мавжуд нечта вилоят бўлса уларнинг ҳар бири ўзига хос маҳаллий бошқарувини ташкил этиши мумкин. Албатта бунда мамлакат миқёсида қабул қилинган қонуний ҳужжатларга риоя этилади. Бироқ, ҳар бир вилоят ўзининг ички имконият ва шарт-шароитларини ўзи белгилаши мақсадга мувофиқдир. Бу билан вилоятлар миқёсидаги иқтисодий муаммолар тезроқ ўз ечимига эга бўлади. Қайд этиш керакки, бир вилоятдаги муҳим муаммо иккинчи вилоятда унча сезиларли даражада бўлмаслиги мумкин. Шу нуқтаи назардан иқтисодий ривожланишда ҳам ўзига хос фарқ юзага келиши табиий.

1.4-чизма. Республикада туманларнинг икки тур бўйича бўлиниши.



Бозор иқтисодиёти шароитида ривожланиш ва иқтисодий тараққиёт қонунлари: талаб ва тақлиф қонуни, қиймат қонуни ва бошқалардан иборат.

Қонун – бу давлат ҳокимияти томонидан қабул қилинган, ҳамма учун шу жумладан, саноат ишлаб чиқаришида меҳнат қилаётганлар учун ҳам мажбурий бўлган ижтимоий ҳуқуқий меъёр ва муносабатларни белгиловчи расмий ҳужжат. Масалан, Конституция Ўзбекистон давлатининг асосий қонунидир. Ушбу асосий қонун Ўзбекистон ҳудудининг барча жойларида тенг кучли амал қилади.

Тамойилларни бошқарув фани назарияси ва амалиётнинг пойдевори дейиш мумкин. Маълумки, пойдевор қанча мукамал ва мустаҳкам бўлса, бошқарув аппарати шунчалик қудратли бўлади.

Бошқарув тамойилларининг шаклланиши чуқур тарихий илдизга эга. Хусусан, Ўзбекистонда бу тамойиллар Амир Темур ҳукмронлиги даврида шакллана ва ривожлана бошлаган. Ўзининг ихчам, тезкор бошқариш девонига эга бўлган Марказий Осиёдаги Ўзбекистондек буюк давлат: илмий, яққохонлик, иерархия (бўйсиниш тартиби), билимдонлик, жавобгарлик, демократия каби тамойиллар асосида бошқарилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболга эришишининг асосий тамойиллари Республика Президенти И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясидаги маърузасида ўз аксини топган (1.4-жадвал).

1.4-жадвал. Бозор иқтисодиётида Ўзбекистонда давлатни бошқариш тамойиллари

№	Тамойиллар	Изоҳ
1.	Демократия тамойили	<ul style="list-style-type: none"> - инсоннинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳамда уни амалга ошириш; - барча фуқароларнинг тенг ҳуқуқлилиги; - давлат ва жамият бошқарувида қонун устуворлиги; - давлат ва нодавлат иқтисодиётидан сайловчилар олдидаги жавобгарлиги ва бошқалар.
2.	Иқтисодий муносабатларни демократиялаш тамойили	<ul style="list-style-type: none"> - монополлашган иқтисодиётдан эркин иқтисодиётга; - социалистик мусобоқадан эркин, соф рақобатга; - қатъий белгиланган нархлардан эркин нархларга; - давлатлашган мулкдан хилма-хил мулкчиликка асосланган иқтисодиётга ўтиш.
3.	Юксак маънавий тамойил	<ul style="list-style-type: none"> - мустақиллик тафаккурини кенгроқ тушуниш, - яъни: - Ўзбекистон давлатининг истиқболи ва истиқлоли ҳақида қайғуриш; - ўзининг ва ўз халқининг, ватаннинг қадру-қиммати, ор-номусини англаб, уни ҳимоя қилиш; - Юксак ғоялар, янги кашфиётлар, ниятлар оғушида меҳнат қилиб, истеъдоди ва иқтидори, бор имкониятини, керак бўлса, жонини юрт истиқболи, элига бахшида этишдир.
4.	Миллий ҳафсизликни таъминлаш тамойили	<ul style="list-style-type: none"> - Ўзбекистоннинг дунё ҳамжамиятига кириш суръатларини тезлаштириш; - Турли халқаро давлат ва нодавлат ташкилотлари ишларида фаол иштирок этишни таъминлаш.

Ўзбекистоннинг истиқлол йўли Ислом Каримовнинг бозор муносабатларига ўтиш юзасидан олға сурган беш тамойилига асосланади. Уларнинг моҳияти «ўзбек модели» таркибида келтирилган ва бу тамойиллардан шунинг англаш мумкинки, ушбу тамойиллар Ўзбекистон иқтисодиётини бозор иқтисодиёти тизимига ўтишида энг зарур омил ҳисобланади. Унга нақадар чуқурроқ амал қилиш эса, бизнинг иқтисодиётимизни тезроқ ривожланиб, янгича иқтисодий тизимнинг қонуниятларини қисқароқ вақт ичида ўзлаштириб олишга олиб келади.

2-боб. Миллий иқтисодийни модернизациялаш шароитида Чортоқ тумани ҳудудини бошқариш ва ундаги муаммолар

2.1. Чортоқ тумани ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий ва миллий тавсифи

Кўхна ва ҳамиша навқирон Чортоқ тумани шимолдан Қирғизистон Республикасининг Ахсу тумани, жанубдан Наманган вилоятининг Уйчи, Наманган туманлари, шарқдан Уйчи ва Қирғизистон, ғарбдан Наманган туманига чегарадош.

Наманган вилоятида Чортоқ тумани Ўзбекистон Олий Советининг 1950-йил 15-апрелдаги 31-сонли қарорига асосан ташкил этилган бўлиб, туман маркази Чортоқ шаҳридир. Бугунги кунда Чортоқ туманининг умумий майдони 377,8 км², аҳолиси 173089 кишини ташкил этади. Шундан шаҳарда 126,0 минг киши, қишлоқда 47,1 минг киши истиқомат қилмоқда. Туман маркази Чортоқ шаҳрида аҳоли сони 55,8 минг кишини ташкил этади. Туман маркази – Чортоқ шаҳри аҳоли сони бўйича вилоятда 8-ўринда туради. Туман аҳолисининг зичлиги ҳар 1 км² га 458,1 кишига тўғри келади.

Чортоқ тумани 14 миллат вакилларидан иборат, шулардан 98 фоизини ўзбеклар, қолганини эса бошқа миллат (Қирғизлар 1.9%, татарлар 0.08%, тожиклар 0.01%, руслар 0.05%, ва бошқа миллатлар 0.07%) вакиллари ташкил этади.

Чортоқдан Намангангача бўлган масофа – 16.8 км. Бугунги кунда Чортоқ туманига Уйчи тумани орқали, ва Наманган шаҳридан тўғридан тўғри кириб борадиган автомобил йўллари мавжуд.

Туман ҳудудидаги Чортоқ шаҳрида 12 та Маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Туман ҳудудидаги 9 та Қишлоқ фуқаролар йиғинида эса 41 та Маҳалла фуқаролар йиғини бор. Туманда шаҳар аҳолиси 49567 киши, Қишлоқ фуқаролари йиғинида эса 103307 киши истиқомат қилади.

Туманда шаҳар аҳолиси 32,4%, қишлоқ аҳолиси 67.6% ни ташкил этади. Меҳнат ресурслари умумий аҳолининг 53,3% ёки 92410 кишидан иборат. Умумий аҳолини 43.1% 0 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалардан иборат.

Чортоқ дейилишига кўпгина асослар бор. Жумладан, туманимизда мавжуд бўлган бешта археологик ёдгорлик-тепалар Ўзбекистон Фанинг тарих институти томонидан ўрганиш учун рўйхатга олинган. Булар «Дўст тепа», «Мозор тепа», «Тобол тепа», «Оқ ер тепа», «Уч тепа» тарихий ёдгорликлардир.

IX-X асрларда яшаган араб сайёҳлари Ибн Хордадбек ва Истахрий томонидан битилган ёзма манбаларда Чортоқ сўзи "тўрт тахт" деб тилга олинган бўлиб, бу арабчада "Чор тахт" маъносини англатади.

Чортоқдан энг гўзал, хушманзара ва мафтункор маскан-Пешқўрғон ҳақида «Бобурнома»да алоҳида зикр этилганлиги бу туманинг ўтмиши ҳозирги бекиёс табиатига, гўзаллигига уйғун бўлганлиги далилдир. Захириддин Мухаммад Бобур ўзининг «Бобурномаси»да Чортоқ сўзига тўхталиб, бу сўз ўзаро алоқани мустаҳкамлаш воситаси эканига ишора қилиб, қуйидаги ибораларни келтирган: «Мухаммад Махсу Мир эди. Кандахорни онга бериб эди. Хирига келтирганда улуғ тўй қилиб яхши Чортоқ боғлади». Бу ерда Чортоқ атамаси тўрт бурчакли чодир, тўрт гумбаз маъноларини билдириши ифода этилган.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан сўнг, республикада ижтимоий-сиёсий вазият кескин ўзгарди. Туманда истиқлолнинг ёрқин кўринишларига ташна бўлиб келган қалбларга катта мадад ва илҳом бахш куч, хатто олға қадам ташлашга ундамоқдаки, буни юртбошимиз бошчилигида туманимизда амалга оширилаётган ислохотлар мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин.


Кичик корхоналарни дадиллик билан ишга туширилиши хорижий давлат сармоядорлари билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатилиши давлат тасарруфидаги корхона ташкилот ва муассасаларнинг хусусийлаштирилиши мувофақиятлар гарови бўлмоқда.

**2.1-жадвал. Туманнинг ижтимоий-иқтисодий
ривожланиш кўрсаткичлари¹**

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирли ги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 Йил	2011 Йил
Аҳоли сони	минг киши	155,7	158,6	161,5	164,0	173,1
Меҳнатга лаёқатли аҳоли	минг киши	85,7	88,4	91,5	93,9	92,4
Шундан; ҳалқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони	минг киши	52,5	54,4	55,8	57,9	67,1
Янги иш жойлари яратиш	минг киши	3,9	3,5	4,4	4,3	4,6
Хар минг кишига туғилиш	киши	23,1	22,0	21,9	20,5	20,2
Хар минг кишига вафот этиш	киши	4,3	4,1	3,9	4,4	4,3
Хар минг кишига табiiй ўсиш	киши	18,8	18,0	17,9	16,1	16,3
Хар ўн минг кишига касалхоналардаги ўринлар сони	ўрин	21,8	20,7	19,8	20,3	20,5
Хар ўн минг кишига амбулатор- поликлиника муассасалари	сменағ катнов	122,3	124,0	126,6	123,2	123,2
Хар ўн минг кишига врачлар билан таъминланиш	бирлик	13,2	13,0	12,3	11,7	11,9
Хар ўн минг кишига ўрта медицина ходимлари билан таъминланиш	бирлик	104,9	104,6	107,0	112,0	112,1
Умумтаълим мактабларига ўқувчиларни бир сменадаги қамрови	фоиз	76,3	79,1	80,3	81,5	81,6
Мақтабгача тарбия муассасаларига болаларни жалб этиш	фоиз	24,1	23,1	22,4	22,1	22,2

¹ Жадвал муаллиф томонидан Наманган вилояти статистика бошқармаси томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

Чортоқ тумани харитаси



Аҳолининг яшаш шароитларини яхшилаш мақсадида Республикамиз Президентининг ташаббуси билан бошланган саъй-ҳаракат туманда ҳам ўз самарасини бошлади.

Чортоқ тумани рельефи асосан тоғ олди адирлик ҳудуд характериға эға. Ер юзаси шимолдан жанубға ва ғарбдан шарққа томон пасайиб боради. Денгиз сатҳидан ўртача баландлиги 405-460 м. иқлими жиҳатдан континентал дейилса-да, тез ўзгарувчан. Ёввойи хайвонлар жуда кам, йиртқичлари эса деярли йўқ.

Ёз ойларида ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб, қуруқ-нам ва иссиқ бўлади. Тоғ ва тоғ олди зоналарида эса ҳаво салқин, намлиги юқори бўлиб, бу жойларда кўплаб дам олиш масканлари жойлашган. Бу ҳудудлар иссиқ минерал булоқларға бой. Айниқса, Хазратишоҳ, Гулшан, Боғистон ҳудудларида жойлашган сувлари шифобахшлиги билан шуҳрат қозонган.

Чортоқ тумани асосан суғориладиган деҳқончилик ва боғдорчилик регионидир. Унинг ҳудудидан катта Наманган ва Шимолий Фарғона каналлари ўтади. 1 та сув омбори, Чортоқ Сой ва Катта Наманган Канали орқали асосан экин майдонлари насослар ёрдамида суғорилади Бу ер ҳудудларида боғдорчиликка хос табиий муҳит яхши ривожланган.

Об-ҳавони иссиқ даври 210-230 кунни ташкил этади. Қуёшли давр бир ойда 125-339 соат атрофида, қиш даври 1,5-2 ой давом этади. Ёзнинг энг иссиқ оyi – июль оyi бўлиб, ҳавонинг ўртача иссиқлиги бу ойда 36-38 даража атрофида бўлади. Бундай қулай иқлим иқтисодиётни аграр тармоғини ҳамда соғломлаштириш муассасаларини, дам олиш масканлари ва саёҳатчиликни ривожлантиришға кенг имкониятлар яратади. Экологик жиҳатдан сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш саноатини ривожлантириш имкони мавжуд.

Шунингдек, туманда 1 та тарихий меъморлик обидалари ва зиёратгоҳлари мавжуд бўлиб, Балиқлик Мозор, зиёратгоҳи шулар жумласидандир.

Асосий ишлаб чиқариш тармоқлари пахтачилик, ғаллачилик, чорвачилик, сабзавотчилик, узумчилик, боғдорчилик ва пиллачиликдан иборат.

Чортоқ туманида шифобахш масканлар аҳолининг соғлиғига оид эҳтиёжларини қондиришға йўналтирилган. Бу ерда кўп тармоқли «Чортоқ санаторийси», «Гулшан» сихатгоҳи, «Эркин» сихатгоҳи ва «Чортоқ болалар» сихатгоҳлари фаолият кўрсатадилар ва Республикамизнинг турли вилоятларидан даволанувчилар келиб даволаниб кетадилар.

Туман ҳудудидан катта Наманган ва Шимолий Фарғона каналлари ўтади. Шунингдек Андижон-Наманган темир йўли шу ҳудуддан ўтади.

Чортоқ Ўзбекистон Харитасида Фарғона водийсининг 41 градус 2,1 кенглик, 71 градус -11,1 шарқий узоқликда жойлашган (Чортоқ тумани харитасига қаранг). Денгиз сатҳидан 460 метр баланд бўлиб, тоғ олди адирлик ҳудуд ҳисобланади. Иқлим жиҳатдан континентал дейилса-да, тез ўзгарувчан. Ёввойи хайвонлар жуда кам, йиртқичлари эса деярли йўқ.

Паррандаларнинг уй турларидан товук, ўрдак, ғоз, курка, товус боқилади. Бедана, каптар, каклик сингари тутқинда бўлмаган қушлар бор.

Қазилма бойликлариға нефть, газ, охактош, гил тупроқ, минерал сув булоқлари киради. Тоғолди ҳудудларида тошлардан қурилиш материали сифатида кенг фойдаланилади. Тупроғидан сифатли пишиқ ғишт тайёрланади.

Чортоқ туманининг жойланиш ўрни ва табиати иқлим шароити жиҳатидан қулай минтақада жойлашганлиги учун инфратузилма шароитлари ҳам яхши шаклланган. Туманда давлат бошқарувини маҳаллий идоралари, банк тизими, солиқ ва бошқа ташкилотларнинг бўлинмалари фаолият кўрсатиб турибди.

Туманда доимий аҳоли сони 2012 йил 1 январ ҳолатига олганда йилдан йилға кўпайиш тенденциясига эға. Агар 2011 йилни 2012 йил бошидаги нисбатға солиштирадиган бўлсак, 105,5 фоизға ўсганлигини кўрсатади. Шунинг учун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш масалалари яхши ташкил этилган.

Хукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоялашга қаратилган тадбирларнинг асосий вазифаларидан бири бу меҳнатга лаёқатли ёшдаги аҳолини иш жойлари билан таъминлашдир. Сабаби Чортоқ туманида ҳам аҳоли таркибида ёшларнинг салмоғи катта бўлиб, уларнинг иш билан банд этиш масалалари бугунги кундаги долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Биз таҳлил этаётган Чортоқ туманида 78,5 минг нафар иқтисодий фаол аҳоли мавжуд бўлиб, шундан 49,7 минг нафари меҳнатда банддир. Улар иқтисодиётнинг турли тармоқларида фаолият кўрсатиб ҳудудий иқтисодиётнинг ривожланишига ўз хиссаларини қўшмоқдалар. Иқтисодий фаол аҳолининг 2,3 минг нафари доимий иш билан банд бўлмаганларни, шундан 0,3 минг нафари ишсизлик мақомини олиб «Бандликка кўмаклашиш» маркази ҳисобида турганларни ташкил этади.

2011 йил давомида «Бандликка кўмаклашиш» марказларига жами 3454 нафар фуқаролар иш сўраб мурожаат этган бўлиб, шундан 3187 нафари иқтисодиётнинг турли тармоқларида иш билан таъминланди.

«Бандлик» Дастури ва инқирозга қарши қабул қилинган қарорлар доирасида 4653 та янги иш ўрни (режа 4586 та) жумладан, қишлоқ жойларида 4253 та иш ўринлари яратилди. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ва касаначиликни кенгайтириш муҳим омилга айланди.

Жумладан, кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 1576 та, уй меҳнатини ташкил қилиш ҳисобига жами 348 та, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 1293 та, янги объектларни қуриш, реконструкция қилиш ва фаолиятини кенгайтириш ҳисобига 131 та, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини ривожлантириш ҳисобига 193 та янги иш ўринлари яратилди. Натижада аҳоли таркибидаги ижтимоий муҳимдаги барқарорлик вазиятлари ҳукм суриб, аҳоли даромадларининг барқарорлашувига олиб келди.

2011 йилда Ўзбекистон Республика Президентининг ПФ-3706 Фармони бўйича касаначиликни ривожлантириш асосида жами 348 та иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, ҳақиқатда 348 та иш ўринлари яратилди ёки режа 100,0 фоизга бажарилди. Бу эса аҳоли таркибидаги айрим меҳнат ресурсларини уйдан ажралмаган, яъни уйдан чиқмай иш билан таъминлаш имкониятини бериб, харажатларнинг камайишига олиб келди.

Халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини ривожлантиришда ҳам сезиларли ўзгаришлар амалга оширилди. Бу соҳадаги рақобат муҳити ёшларни билимли бўлиб тарбияланишига ва уларнинг аксарияти ўзларининг Дунёқарашларини оширишга эришдилар. Қолаверса, ёшларнинг маълум бир қисми олий ўқув юртларига кириб, ўз ўқишларини давом эттирдилар.

Ҳозирги кунда туманда 55 та умумтаълим мактаблари, 28 та мактабгача тарбия муассасалари, 1 та академик лицей ва 9 та касб-хунар коллежлари фаолият кўрсатмоқда. Уларда иқтидорли ўқувчиларни салмоғини оширишга йўналтирилган чора-тадбирлар кўриб борилмоқда.

Аҳолини билим савиясини ошириш ва маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, туманда 16 та оммавий кутубхоналар (ахборот ресурс марказлар), 1 та маданият муассасаси ва 2 та кинотеатрлар хизмат қилмоқда. Бу эса маҳаллий-ҳудудий аҳолининг маданий хордиқ чиқаришлари учун шарт-шароитларнинг яратилишидир.

Туманда жисмоний тарбия ва спорт соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчилар учун туманда 1 та ўйингоҳ, 24 та спорт заллари, ва бир қатор бошқа спорт иншоотлари фаолият кўрсатмоқда.

Туманда кейинги йилларда спортнинг футбол, бокс, теннис, каратэ, кураш ҳамда бадий гимнастика каби турлари кенг оммалашмоқда.

2011 йилда Тумандаги 111 нафар ёлғиз кекса нафақадор ва ногиронларни Республика ва вилоят ҳудудидаги санатория-профилакторияларда бепул дам олиб

даволандилар. Муҳтож ногиронларнинг 5 нафари ногиронлик аравачаси, 3 нафари эшитиш мосламиси, 1 нафари қўлтиқтаёқ, 2 нафари хасса билан ва 2 нафарини протез-ортопедия буюмлари билан таъминланди.

Тиббиёт ходимларининг иш ҳақларини ҳисоблашда уларнинг тоифалари, зарарли ишлар учун қўшимча тўловлар ва иш стажларига тўловларни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ тарификациядан ўтказилди.

Шунингдек, туман бўйича 5,2 газ тармоғи ва 24,2 км тоза ичимлик сув қувурлари тортилди.

2.2. Чортоқ тумани ҳудудининг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан самарали ривожланиши ва бошқарилиши

Чортоқ тумани ҳудудида мулкчиликни бошқариш шакли ўзгарган бўлиб, бугунги кунда уларнинг турли туманлиги ошиб бормоқда. Шу билан бирга нодавлат мулк шаклидаги корхоналар сони ҳам йилдан йилога ошмоқда. Масалан, 2007 йилда нодавлат мулкчилиги асосида 2326 та корхона мавжуд бўлган бўлса, 2011 йилга келиб уларнинг сони 2667 тани ташкил этди. Бир йил мобайнидаги ўсиш суръати 104,6 фоизни ташкил этди. Уларнинг асосий қисмини фермер ва деҳқон хўжаликлари ташкил этган бўлиб, хусусий корхоналар ҳам салмоқли ўринни эгаллайди (2.2-жадвалга қаранг).

Чортоқ туманида хусусий корхоналардан кўра хиссадорлик замиятлари анча кам ташкил этилган. Агар тегишли жадвал маълумотлари асосида таҳлилларимизни давом эттирадиган бўлсак, уларнинг сони кейинги йилларда камайиб бормоқда. Аксинча қўшма корхоналар сонидан эса йилдан йилга ўсиб боровчи тенденция шаклланимоқда. Масалан, 2011 йилга тегишли маълумотларда 2010 йилга нисбатан ўсиш 150,0 фоизни ташкил этганлигини жадвалдан кўриш мумкин. Ҳозирги кунда 315 та бошқа мулк шаклидаги корхоналар фаолият кўрсатиб, бозор муносабатларини ривожланиб боришида муҳим рол ўйнамоқда.

Чортоқ туманида 2011 йилда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўсиши билан бирга саноат корхоналарида янги ишчи ўринлари яратиш, эскирган технологияларни модернизация қилиш яъни янги технологияларни олиб кириш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, экспортбоп маҳсулотлар турларини кўпайтириш борасидаги ишлар амалга оширилди.

2011 йил якунига кўра саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 14231,5 млн.сўмни, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11446,1 млн.сўмни ташкил этиб, ўсиш суръати 126,3 фоизни ташкил этди. (2.3-жадвалга қаранг).

Халқ истеъмоли молларининг умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги салмоғи 95,6 фоизга тенг бўлди. Агар 2011 йилда Чортоқ тумани иқтисодиёти таркибида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11446,1 млн. сўмга тенг бўлган бўлса, у ҳолда 2010 йилда худди шу кўрсаткич 11273,4 млн. сўмни ташкил этган. 2011 йилга тегишли маълумотларга кўра аҳоли жон бошига халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 67,3 минг сўмга тўғри келди.

Туманда саноатнинг етакчи тармоқларидан енгил саноатда тўқимачилик, пойабзал, мебел ишлаб чиқариш, озиқ-овқат ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармоқлари, машинасозлик ва қурилиш материаллари ишлаб чиқариш тармоқларига қарашли корхоналар ривожланиб, саноат ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришда салмоқли хиссаларини қўшиб келмоқда.

Чортоқ тумани микёсида хизмат кўрсатиш соҳасида бажарилган хизматлар ҳажми 2011 йилга тегишли ҳолатда жами 96535,7 млн. сўмга тўғри келди. Айниқса савдо ва умумий овқатланиш (24759,2 млн. сўм) ва коммунал хизматлар кўрсатишда (22804,5 млн. сўм) устуворлик таъминланди.

**2.2-жадвал. Чортоқ иқтисодиёти тармоқларининг
бозор иқтисодиётига ўтиш кўрсаткичлари¹**

Кўрсаткичлар номи	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни 2010 йилга нис- бати, %да
Нодавлат мулк шаклидаги корхоналар сони	2326	2438	2458	2549	2667	104,6
шу жумладан:						
-хусусий корхоналар сони	346	365	339	395	448	113,4
-хиссадорлик жамиятлари	9	8	8	6	6	
-қўшма корхоналар	1	1	1	2	3	150,0
-фермер ва деҳқон хўжаликлари	1669	1801	1831	1834	1895	103,3
-бошқа мулк шаклидаги корхоналар	301	263	279	312	315	100,9
Хусусийлаштириш						
Давлат дастури бўйича						
хусусийлаштирилган корхоналар						
сони	1	2	-	1	-	

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чортоқ тумани ҳокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими маълумотлари асосида тузилган.

2.3-жадвал. Туманда саноат тармоғини ривожланиши

Кўрсаткич-лар номи	Ўл-чов бир-лиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни 2010 йилга нис-бати, %да
Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш	млн. сўм	3470,8	8196,1	7985,9	11273,4	14231,5	126,3
Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш	млн. сўм	3167,8	7934,2	12187,4	15076,2	11446,1	95,7
Корхоналар сони	бирлик	80	92	87	94	94	100
Ишловчилар сони	киши	325	351	346	365	390	106,8

Чортоқ тумани миқёсида қабул қилинган Дастурнинг янги иш ўринлари яратиш топшириғига мувофиқ 2011 йилда жами 4586 та янги иш ўринлари яратилиши белгиланган бўлиб, 2011 йил якуни билан 4653 та янги иш ўринлари яратилди ёки бу кўрсаткич йиллик дастурга нисбатан 101,5 фоизни ташкил этди. Иш жойларининг 4141 таси (89,0%) қишлоқ жойларда яратилди. Жумладан, кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил этиш ҳисобига 1576 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш, корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш ҳисобига 131 та, оилавий бизнес ва миллий хунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига 302 та, фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига 169 та, ишлаб чиқариш инфратузилмани ривожлантириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш ҳисобига 193 та, бозор инфратузилмани ривожлантириш ва ишламай турган корхоналар фаолиятини тиклаш ҳисобига 36 та ҳамда уй меҳнатини ташкил қилишда 348 та янги иш ўрни яратилди.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазифалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тугган ўрни, мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш, ислохотни босқичма-босқич амалга ошириб бориш ва ривожлантиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқмоқда.

Қишлоқда янгича хўжалик юритиш механизмининг, қишлоқ хўжалигини молиялаштириш, кредитлаш ва суғурта қилишнинг янги тизимини, қишлоқ хўжалигида

ишлаб чиқарилган маҳсулот ва қишлоққа келтириладиган техника, ёқилғи ва минерал ўғитлар учун бўладиган ўзаро ҳисоб-китобнинг асослари ишлаб чиқилди ва тадбиқ этилди. Қишлоқ хўжалик корхоналарининг иқтисодий мустақиллиги кенгайди.

Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида 2011 йилда жами қишлоқ хўжалигида етиштирилган маҳсулотлар ҳажмининг асосий қисми нодавлат сектори ҳиссасига тўғри келади. Иқтисодиётнинг аграр секторидида мустаҳкам ва барқарор ривожланиш таъминланди.

Мустақиллик йилларида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш структураси тубдан ўзгарди. Қишлоқ хўжалигида экинларни жойлаштиришда илмий асосланган усуллар жорий этилди.

2011 йил якуни билан туманда қишлоқ хўжалигида 108770,4 млн. сўмлик ялпи маҳсулот ишлаб чиқарилди ёки ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 2010 йилга нисбатан 119,4 фоизга ўсди. Чорвачиликдаги ялпи маҳсулот қиймати 21754,0 млн. сўм ёки умумий ялпи маҳсулотдаги улуши 20,0 фоиз, ялпи ўсимчилик маҳсулотлари 87016,4 млн.сўм ёки умумий ялпи маҳсулотдаги улуши 80,0 фоизни ташкил этди.

Фермер хўжаликларида 29803,0 млн.сўм маҳсулот ишлаб чиқарилди, деҳқон хўжаликларида эса 72,2 фоизни ташкил этди. Жами ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот қийматининг 27,4 фоизи фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилди.

Туманда 29,6 минг та деҳқон хўжаликлари бўлиб, 26 нафари юридик мақомга эгадир.

Туманда барча турдаги хўжаликларда 9123,0 тонна пахта (101,6%) етказиб берилди, 27386,0 тонна ғалла (ўтган йилга нисбатан 100,3%), 13722,0 тонна картошка (111,4%), 51283,0 тонна сабзавот (112,0%), 2880,0 тонна полиз (111,8%), 17334,0 тонна мева (102,7%) ва 8500,0 тонна узум (100,1%), чорвачилик маҳсулотларидан 7112,0 тонна гўшт (128,0%), 37286,0 тонна сут (128,0%), 6100,0 минг дона тухум (175,5 %), 69 тонна жун (100,6%) ишлаб чиқарилди. Буларнинг ичида энг асосийси тухум етиштириш жуда сезиларли даражадаги устуворликка эга бўлди. Шунингдек, гўшт ва сут етиштириш ҳам 2011 йил ҳолатида яхши амалга оширилди. Аммо узум етиштиришда ўсиш суръати сезиларсиз даражада бўлди. Ўртача ўсиш суръатлари полиз, картошка ва сабзавот маҳсулотларини етиштиришда кўзатилди.

Ҳисобот даврида қорамол бош сонлари 45770,0 бошни (108,6%), шу жумладан сигирлар 12220,0 бошни (106,7%), қўй-эчкилар 39900,0 бошни (104,1%), парранда 100965,0 бошни (141,2 %) ва отлар 816,0 бош (100,2%), асалари 1825 та оилани (100,0 %) ташкил этди. Кўриниб турибдики, бу кўрсаткичларнинг ҳар бирида динамик тарздаги ўсиш мавжуд. Жаҳон миқёсида озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш даврида Чортоқ туманида йилдан йилга сезиларли тарздаги ўсиш суръатлари шаклланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги «Озик овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-1047-сонли қарорини туманда бажарилишини таъминлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди.

Туманда асосий турдаги озик-овқат маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, ички истеъмол бозорини тўлдириш ва нархларни барқарорлигини сақлаш бўйича ишлаб чиқилган дастурга асосан 2011 йилда 11 та иссиқхоналар, 3 та паррандачилик, 3 та балиқчилик хўжаликлари ташкил этиш режалаштирилган. 2011 йил якуни билан 2,2 гектар хавзада 5 та балиқчилик хўжаликлари ташкил этилиб уларда 15,0 тонна балиқ овланди.

2.4-жадвал. Тумандаги барча турдаги хўжаликларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш¹

(тонна)

Маҳсулот тури	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2011 йилни 2010 йилга нисбати фоиз
Картошка	7800	11000	10695	12322	13722	111,4
Сабзавот	31900	37210	39711	45790	51283	112
Полиз	1747	2400	2401	2575	2880	111,8
Мева	10378	14002	14126	16874	17334	102,7
Узум	6501	7601	8200	8495	8500	100,1
Гўшт	4224	4902	5129	5551	7112	128
Сут	23485	24905	26976	29126	37286	128
Тухум (м.дона)	2629	2811	3007	3475	6100	175,5
Жун (центнер)	58	62	64	67,5	69	102,2
Қорамоллар						
бош сони (бош)	32514	35372	37592	42141	45770	108,6
Жумладан:						
сигир (бош)	11206	11240	11326	11450	12220	106,7
Кўй-эчки (бош)	33155	35388	36546	38340	39900	104,1
Паррандалар						
бош сони (минг бош)	41728	43580	48360	71500	100965	141,2
МАҲСУЛДОРЛИК						
(Ҳамма турдаги хўжаликлар бўйича)						
Ўртача бир бош сигирдан соғиб олинган сут (кг)	2109	2222	2418	2543	3051	119,9
Ўртача бир бош товуқдан олинган тухум (дона)	160	143	141	147	151	102,7

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чортоқ тумани ҳокимлигидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

2.5-жадвал. Туманда қурилиш индустриясининг ривожланиши¹

Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
Капитал маблағларни ўзлаштириш	млн. сўм	8606,4	16197,5	15041,9	20292,9	34951,5
Ўз кучи билан бажарилган қурилиш-монтаж ишлари	млн. сўм	8936,9	12609,1	16828,2	25927,9	42971,9
Қувватларни ишга тушириш						
Турар жойлар жами	минг кв.м	59,3	55,2	59,0	61,1	74,1
Умумтаълим мактаблари	ўқувчи/ўрин	310	730	1424	-	-
Академ лицейлар	ўқувчи/ўрин	-	495	-	-	-
Касб-ҳунар коллежлари	ўқувчи/ўрин	735	675	-	-/100	-
Қишлоқ шифокорлик пунктлари	бирлик	1	1	-	-	-
Табиий газ тармоқлари қурилиши	км	9,8	27,9	10,4	8,8	5,2
Ичимлик сув тармоқлари қурилиши	км	14,5	33,8	19,0	21,7	24,2

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чортоқ тумани ҳокимлиги томонидан олинган маълумотлар асосида тузилган.

Шунингдек, тумандаги хомий корхона ва ташкилотлар томонидан кам таъминланган оилаларга 46 бош бепул қорамол (режа 45 бош) олиб берилиб, қорамолчилик билан шуғулланаётган 4653 нафар ишсиз фуқаролар меҳнат дафтарчалари билан таъминланди.

Чорва хайвонларига хизмат кўрсатувчи 9 та зооветеринария, 9 та сунъий уруғлантириш шахобчалари, 1 та сўйиш майдончалари ташкил этилиб, бу борадаги йиллик топшириқлар тўла бажарилди.

Шаҳсий ёрдамчи ҳамда дехқон хўжаликларига зооветеринария шахобчалари томонидан 16,3 млн. сўмлик, сунъий уруғлантириш шахобчалари томонидан эса 15,4 млн.сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди.

Чорток ипаги фермер хўжалиги томонидан Германия давлатидан шартнома асосида банк кредити оркали 155 дона насли қорамоллар сотиб олинди.

Мустақилликка эришилгандан сўнг Республика Ҳукумати томонидан ижтимоий инфратузулма тизимини мустаҳкамлаш ва босқичма-босқич қайта барпо этиш устувор йўналиш қилиб белгиланди.

2011 йил якуни билан барча манбалар ҳисобига 34951,5 млн. сўмлик капитал маблағлар ўзлаштирилиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 151,7 фоизга ўсишга эришилди. Пудратчи ташкилотлар томонидан ўз кучлари билан бажарилган ишлар ҳажми 42971,9 млн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 152,2 фоиз ўсишга эришилди.

2011 йилда барча манбалар ҳисобидан турар-жой бинолари қурилиши амалда 74,1 минг кв.м. турар-жойлар қурилиб ишга туширилган. Шунингдек, 2011 йил давомида тоза ичимлик суви ва табиий газ тармоқлари тортилиши амалда 5,2 км(режа 4,8км), ичимлик суви ва 24,2 км (режа 19км) тортилиб ишга туширилган ва режа ортиги билан бажарилган.

Айни даврда турар жой биноларининг қурилиши аҳолини эҳтиёжини таъминлашдаги биринчи масалалардан бирига айланган. 2011 йил ҳолатида жами 74,1 минг кв. метрга тўғри келган турар жойлари кўриб битказилди. 2010 йилда бу кўрсаткич 61,1 минг кв. метрга тўғри келган ҳажмни ташкил этган. Бу тегишли йиллар орасидаги ўсиш суръати 121,2 фоизни ташкил этди.

2009 йилда Чортоқ тумани ҳудудида ўқувчилар учун 1424 ўринли умумтаълим мактаблари кўриб битказилди ва фойдаланишга топширилган. Эътиборлиси шундаки, 2007-2008 йилларда бу кўрсаткичлар 1,5-4,5 баробарга кам бўлган.

Ижтимоий инфратузулма объектлари, жумладан, табиий газ ва ичимлик сув тармоқлари қурилиши йилдан йилга кенгаймоқда. Айниқса табиий газ тармоқларини кўрилишида эҳтиёжларни тўлиқ қондирилишига йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ичимлик сув тармоқларини кўрилишида 2010 йилда 21,4 километрлик ҳажмда ишлар бажарилган бўлса, 2011 йилда бу 24,2 километрни ташкил этди.

2.3. Чортоқ тумани ҳудудини бошқаришдаги маҳаллий муаммолар

Чортоқ тумани иқтисодиётини ислоҳ қилишда маълум даражада орттирилган ижобий тажриба мавжуд бўлса-да, аммо ҳудудий бошқариш ва уни такомиллаштириш, ҳамда самарадорлигини оширишдаги чора-тадбирларни чуқурроқ қўллашни тоқазо этмоқда. Чунки туманнинг айрим раҳбарлари ҳали қатор ҳал этилмаётган муаммоларга дуч келмоқдалар. Хусусан, ҳудудий ва идоровий бошқарув тузилмалари раҳбарларининг ташаббусидаги сушт вазиятлар туфайли иқтисодиётнинг реал сектори фаолияти учун хизмат кўрсатувчи инфратузулма фаолияти жуда яхши баҳоланмайди. Масалан, 2012 йилнинг бошига келиб, туманда 4 та тижорат акциядорлик банклари жумладан, «Агро банки» ва Ҳалқ банки, «Миллий» ва «Микрокредит» банкларининг туман филиаллари фаолият кўрсатмоқдалар. Бироқ, туман миқёсидаги иқтисодий жиҳатдан фаолият

кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектлар учун бу банклар филиаллари етарли эмасдир. Уларни сонини кўпайтириш лозим.


Бу эса Чортоқ тумани миқёсидаги хўжалик юритувчи барча субъектлар, жумладан давлат идоралари учун ҳам банк тизими билан боғлиқ муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Ўз навбатида банк тизими хизматидан чегаравий ҳолатда фойдаланиш кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган салбий сабаблардандир. Республика Президенти И.А.Каримов эса, «...навбатдаги муҳим масала, бу – хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат»¹, деб қайд этади.

Чортоқ тумани ва унинг қишлоқ жойларида маҳаллий бошқаришни такомиллаштириш йўлидаги иқтисодий жиҳатдан салбий тўсиқлар кўп ҳолларда белгиланган ишларнинг аҳволи тўла-тўқис яхши эмаслигини кўрсатмоқда. Фақат Чортоқ туманида эмас, балки аксарият туманларда бошқариш масалаларига боғлиқ жабҳаларда иш ва сўз бирлигини таъминланишига эътибор берилмаяпти. Бошқача айтганда, айрим раҳбар ходимлар ва ижро этувчилар ўртасидаги муносабатларда «сўз» бошқа, «иш» бошқа бўлмоқда. Бунинг натижасида эса ҳудудий бошқаришдаги муаммолар корхоналарни иқтисодий фаолиятига салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Ўтказилган тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, кичик ва хусусий бизнес корхоналари ўзларининг банкротлик ҳолатларини ички омиллардан кўра кўпроқ ташқи омилларга боғлиқлигини таъкидламоқдалар (2.1-чизмага қаранг). Бошқача қилиб айтганда, корхонанинг ички муҳитидан кўра корхонанинг ташқи муҳити билан боғлиқ иқтисодий муаммоларни ҳал этиш анча мураккабликларни келтириб чиқармоқда.

2.1-чизма

Чортоқ тумани ҳудудий бошқарилишига акс таъсир этувчи иқтисодий омиллар¹



¹ Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йўл бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012. 24 бет.


¹ Чизма муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Айниқса, солиқ имтиёзларидан фойдаланишда, уларни фоиз тўловларини белгилашда мураккабликлар юзага келганлиги туфайли тўловларни амалга оширишда қийинчиликлар юзага келган. Бундан ташқари банкдан кредит олишни таъминлаш бўйича талабларнинг хўжалик юритувчи субъектлар учун юқорилиги (кредит суммасидан 120 фоизгача, бундан ташқари кредит суммасининг 25 фоизи ўз маблағлари бўлиши керак), қарзларни рўйхатга олиш бўйича меъёрий талабларнинг юқорилиги иқтисодиётнинг реал сектори фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Чортоқ туманида ҳудудий бошқаришни ташкил этиш масалаларида қуйидагича муаммоларни асосий деб ҳисоблаймиз:

- хом ашё, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар сотиб олиш учун валюта олиш, хорижий кредит йўналишлари бўйича кредит маблағларини қайтариш имкониятларининг чекланганлиги;
- стартегик хом ашё ресурсларининг айрим турларига ижозат чегараланганлиги;
- фоиз ставкалари юқорилиги, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш тажрибаси етарлича шаклланмаганлиги, тадбиркорлик маданиятининг етишмаслиги туфайли кредит, молия ресурсларини олиш борасида қийинчиликлар мавжудлиги;
- тадбиркорлик ва кичик бизнес секторига ўзлаштирилган экспорт маҳсулотларини сотишда қўмаклашиш учун профессионал маркетинг тузилмаларининг етишмаслиги;
- хусусий тадбиркорлик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни экспорт қилиш учун хорижий бозорларни билмаслик;
- солиқ тизимида мажбурий бўлган тўрачилик тартиботлари: экспорт-импорт контрактларини рўйхатга олиш, ҳар хил фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялар олиш, кредит олиш учун кўп миқдордаги ҳужжатларни расмийлаштириш ва хоказоларнинг кўплиги;
- хусусий тадбиркорлик соҳасида пухта тайёргарлик кўрган, профессионал жиҳатдан ўқувли ташкилотчилар, раҳбарларнинг етишмаслиги.

2.2-чизма. Чортоқ тумани ҳудудида ҳиссадорли жамиятлари ва қўшма корхоналар сонидаги динамик ўзгариш



Кўриниб турибдики, Чортоқ туманида иқтисодий ҳудудий жиҳатдан бошқаришда бир қатор муаммолар мавжуд. Ҳар қандай иқтисодий бошқарув учун ташқи муҳити омиллари жиддий таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам бундай омиллар таъсиридан юзага келган муаммолар амалиётда кўпроқ учрамоқда. Натижада хиссадорлик жамиятлари ва қўшма корхоналар ташкил этишдаги чора-тадбирлар ўзининг сустраражада эканлигини намоён этмоқда.

Кўпчилик кичик бизнес субъектларида ички омиллар ҳам сезиларли даражада корхона фаолиятига салбий таъсир кўрсатмоқда. Айрим кичик бизнес корхоналари ажратилган кредит маблағларидан мақсадли фойдаланмаяптилар. Бизнес-режа тузишни, маркетинг хизматларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириб олмаганлар. Уларда молия ва ишлаб чиқариш интизоми жуда сустр. Бундай салбийлик ҳолатлари ҳудудий бошқаришни қийинлаштиради.

Этиборлиси шундаки, кўпчилик тадбиркорлар структурасида, айниқса, ишлаб чиқариш билан банд бўлган тадбиркорлар доирасида айланма маблағга муҳтожлик сезилмоқда. Қарзга олинган маблағ фоизлари ва кредит беришнинг талабларига ҳар доим ҳам қодир бўлмагани учун банк кредитларидан ҳар ким ҳам фойдалана олмайди.

Шунинг учун тадбиркорлар ўз бизнесини ривожлантиришда шахсий жамғармасидан ёки таъсисчилар бадалидан тузилган (ташкил топган) бошланғич сармоядан фойдаланадилар. Бундан ташқари, тадбиркор эркин муомаладаги валютада кредит олишида кўпгина харажатлар қилади. Бунга яна лойиҳа ташаббускорининг маълумоти даражасининг юқори эмаслиги ва ташқи иқтисодий фаолиятда тажрибанинг йўқлиги қўшилади.

Агар 2011 йилда Чортоқ туманига тегишли ташқи савдо айланмаси 2025.1 минг АҚШ долларини ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан олганда 249,9 минг АҚШ долларига камайганлигини ёки ўтган йилга нисбатан олганда 89,0 фоизни ташкил этганлигини 2.6-жадвалдан кўришимиз мумкин. Демак ташқи савдо айланмасида камайиш тенденцияси мавжуд. ваҳоланки, аввалги йилларда яъни 2007-2009 йилларда ўсиб боровчи тенденцияга эга бўлган эди.

Этиборлиси шундаки, айти жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитларида туман ташқи савдо айланмасида ўсиб боровчи кўриниш шаклланган эди. Эндиликда эса, яъни 2010 йилдан бошлаб салбий кўринишга эга бўлмоқда.

2.6-жадвал. Ташқи иқтисодий алоқаларнинг ривожлантириши

бирлиги: минг АҚШ dollari

№	Кўрсаткичлар номи	2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил
1.	Яқин хориж давлатларига	804	2794,3	743	1108,4	986,2
2.	Узоқ хориж давлатларига	1151,2	1150,6	3621,2	1167,4	1038,9
	Туман ташқи савдо айланмаси	1955,2	3944,9	4364,2	2275	2025.1

Муҳими шундаки, кредит олгандан кейин ҳам айрим тадбиркорлар бир неча кунлаб ундан фойдалана олмайдилар. Мана шу вақт ичида шартномалар бузилади, товарга бўлган нарх эса ўзгаради. Бу бизнес режадаги ҳисоб кўрсаткичларининг ўзгаришига ва

режалаштирилган дастурларнинг бажарилмаслигига олиб келади. Бу эса ўз навбатида рақобатчилик шароитида таваккалчилик даражасини оширади, бу эса ишлаб чиқаришнинг ихтисослашишига ёки банкротга ўчрайдиган иқтисодий тангликка олиб келади.

Фикримизча, 2011 йилда фаолият кўрсатмаётган кичик корхоналар ва микрофирмалар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг муаммолари ўзига хос бўлмоқда. Чортоқ туманининг кишлок худудларида ҳам фаолият кўрсатмаган кичик бизнес субъектлари мавжуд. Ижобий вазият фақат қўшма корхона мулк шаклидаги кичик корхоналарда сақланиб қолмоқда.

Бунинг асосий сабабларини бир томондан тадбиркорларнинг бозор муҳитига мослашиш тажрибасининг етишмаслиги билан изоҳланса, иккинчи томондан маҳаллий идораларнинг асоссиз аралашувлари билан изоҳлаш мумкин.

Бундан ташқари Чортоқ туманида кичик бизнес субъектларини ташкил этишда иқтисодиётнинг тармоқлари бўйича ҳам жиддий муаммо юзага келган. Буни иқтисодиётнинг айрим тармоқларида кичик бизнес субъектларини миқдор жиҳатдан сезиларли ортиб бораётганлигини ва айрим тармоқларда эса кичик бизнес субъектларини миқдорий ортишида ўзгариш йўқлиги ва хатто камайиш тенденциялари ҳам шаклланганлигини алоҳида қайд этиш мумкин. Бу эса маҳаллий иқтисодиётнинг номувофиқ ривожланишига олиб келиши мумкин. Масалан, тумандаги кичик бизнес субъектларининг аксарияти кишлок хўжалиги соҳасига тўғри келади.

Бугунги кунда кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, шунингдек, ҳозирча сезиларли даражада чора-тадбирлар кўра олмаётган Савдо-саноат палатаси бутун кучини ишга солиши шартлигини шахсан, Президентнинг ўзи ҳам қаттиқ таъкидлаб ўтган. Ушбу палата билан бизнес субъектларининг ҳамкорликда ишлаш жараёнидаги бир-бирини тушуниш ҳолатлари яхши эмас. Сабаби маҳаллий ҳокимият органлари уларга тегишлича мадад кўрсатмаяпти. Жойларда ҳокимият ва бошқарув органларининг тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятига аралашуви каби мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган фактлар мавжуд.

Кўп ҳолларда моддий-техника ресурсларини олишда тадбиркорлар билан давлат корхоналари ўртасидаги тенг ҳуқуқлиликка риоя қилинмаяпти. Ҳокимликларнинг раҳбарлари йирик корхоналарнинг маҳаллалар билан узвий алоқасини таъминлайдиган янги ташкилий шакллари яратиш, кишлок жойларида бу корхоналарнинг бўлимларини ва цехларини ташкил этиш бўйича самарали чора-тадбирларни кўрмаяптилар. Шаҳарларда жойлашган хусусий корхоналар маблағларини кишлок жойларидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга жалб қилиш учун яратилган механизм деярли ишламаяпти.

Хусусийлаштирилган мулкни ишга солиб юбориш жараёнларида ҳам маълум тўсиқлар борки, бунинг учун тадбиркор оилаб вақт йўқотади. Навбат кутишлар, мансабдор шахсларнинг тўраларча муносабатлари, айрим ҳолларда очикчасига таъмагирлик қилишлари тадбиркорларнинг ишдан қўнглини совутмоқда, ислохотга, келажакка ишончларини йўқотмоқда. Бундан ташқари, банкда ҳисоб рақами очиш, пул ўтказиш масалаларида тадбиркорларга ўғай кўз билан қараш ҳоллари мавжуд. Умуман кичик бизнес секторини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизми самарали ишламаяпти.

Ушбу долзарб муаммоларни ўрганиш, уларни ҳал этиш зарур. Худудий бошқарув масалаларини яхшилаш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашдаги хиссаси қандай бўлишини тахмин қилиш ва унинг республикада кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнга кўрсатадиган таъсирини аниқлаш имконини беради. Шу боис худудий бошқарувни такомиллаштириш ва давлат томонидан қўллаб-қувватлаш муаммоларини ўрганиш давр талабидир.

Хулоса шундан иборатки, бугунги кунда худудий бошқаришни такомиллаштириш учун туман миқёсида барча ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд ва бу соҳадаги ишларни яхшилаш масалалари ҳали давом этмоқда. Бироқ янгича иқтисодий тафаккурнинг

2.7-жадвал. Чортоқ туманида хизматлар турига бўлган талабнинг қондирилиши¹

№	Хизмат турлари	Хизматлар ҳажми (млн. сўм)	Аҳоли жон бошига (минг сўм)	Хизматларга бўлган талаб (млн. сўм)	Дефицит/профицит (млн. сўм)
1	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	24759,2	147,8	31993,5	-3645,3
2	Транспорт хизматлари	4079,8	24,4	19210,5	-5558,9
3	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	605,2	3,6	3972,1	-1199,9
4	Молия хизматлари	6015,1	35,9	7510,9	-1221,8
5	Сайёҳлик ва экскурсия			7,2	-2,4
6	Меҳмонхона хизматлари	7,8		137,2	-42,3
7	Коммунал хизмат кўрсатиш	22804,5	136,1	18197,5	-275,2
8	Маиший хизматлар	660,4	3,9	3429,2	-1012,5
9	Автомобилларни таъмирлаш хизматлари	3782,4	22,6	3100,5	-262,4
10	Бошқа хизмат турлари	33821,3	201,9	24201,8	-821,2
	Жами хизматлар	96535,7	576,2	111760,4	-14042,0

¹ Жадвал муаллиф томонидан Чуст тумани хокимлигининг ахборот-таҳлил бўлими маълумотлари асосида тузилган.

заифлиги туфайли қонунга амал қилмаслик, тартиббузарлик, қонунни «айланиб ўтиш» ҳолатлари маҳаллий бошқарувга, умуман иқтисодиётнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вазият бозор тизимининг такомиллашмаган кўринишини намоён этиши мумкин.

Фикримизча, бугунги кунда айрим, яна такроран айтиш мумкин айрим ходим ва раҳбарларнинг ножўя хатти-ҳаракатлари туфайли давлат томонидан бошқариш ва қўллаб-қувватлаш йўналишида юзага келган муаммоларни ҳал этиш зарур. Шу боис, ислохотларни чуқурлаштириш йўлида ҳудудий бошқаришни такомиллаштиришга доир давлат миқёсидаги бундай муаммоларни ҳал этиш давлат сиёсатида ҳам муҳим аҳамият касб этади ва бугунги кунда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизация қилиш нуқтаи назаридан долзарбдир.

3-боб: Худудий бошқаришни янада замонавийлаштириш ва самарадорлигини ошириш масалалари

3.1. Худудий иқтисодий иқтисодиётни бошқаришда модернизация жараёнларини самарадорлик асосида амалга ошириш

Чортоқ тумани иқтисодиётини модернизация ва янгиланиш жараёнларини амалга оширишда замонавий бошқарувни янада ривожлантириш мақсадида, шуни алоҳида қайд этиш керакки, «бошқариладиган иқтисодиёт» ёки «бошқариладиган демократия» деб аталмиш моделлар бизга мутлақо тўғри келмайди. Биз, аввалгидек, давлат ва жамиятни модернизация қилиш ҳамда ислоҳ этишда ўзбек моделининг муҳим таркибий қисми бўлган босқичма-босқичлик тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз. Аммо, мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида ўзини оқлаган тамойилнинг юқорида тилга олинган моделларга ҳеч қандай алоқаси йўқ.

Чортоқ тумани иқтисодиётининг барча тармоқларини бошқаришда, давлат сиёсатида ҳам, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган аксарият корхоналар иқтисодиётини бошқаришда модернизация ва ислоҳ этишнинг умумий тамойилларидан фойдаланишлари учун барча имкониятларни яратиб бораёلمиз. Бироқ аксарият раҳбарлар бугунги кунда модернизация ва ислоҳ этиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишлари зарур. Бунинг учун эса корхоналар бошқарувни модернизация ва ислоҳ этиш масалаларига жиддий эътиборларини қаратишлари лозим.

Ҳозирги даврда, ҳамма бўлмаса ҳам, лекин аксарият раҳбар ходимлар шуни яхши англайдиларки, фақат замонавий бошқарув тамойилларини ўз ҳатти-ҳаракатлари мобайнида чуқур ўзлаштираётган ва амалга жорий қилаётган бошқарувчи кадрларгина рақобатбардош ҳисобланиб, бозор муҳитининг фавкулотдаги ҳолатларига жавоб бера олади.

Бундай бошқарувчи кадрлар замон билан тенг қадам ташлаб, тез ўзгараётган дунёнинг турли мамлакатларида фаолият кўрсатаётган корхоналар тажрибаларини ўрганишга ҳаракат қиладилар. Шунинг натижасида улар билан тенгма-тенг иқтисодий алоқалар ўрнатишга замин тайёрлаб, иқтисодийимиз равнақига ўз хиссаларини қўшиб келмоқдалар.

Агар модернизация жараёнларини бошқаришнинг янада ривожланишига жиддий эътибор бериш керак бўлса, қатъий шарт ва талабларига жавоб беришга қодир бўлган, замонавий услублар асосида ишлайдиган менежерларни кўпайтириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Бундай кадрларни кўпайтириш орқали эса шуни англаш мумкинки, мамлакат иқтисодиётининг келажагини ижобий томонга буриш имконияти кенг тус олиши аниқдир.

Шу маънода, модернизацион жараёнларни бошқарувчи кадрларни тайёрлаш, уларнинг тажрибасини оширишга қаратилган чора-тадбирларни қўллаш ва янгича иқтисодий фикрлаш асосида бошқаришни ташкил этиш биз учун ҳамisha биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда корхоналарда фаолият кўрсатаётган раҳбар ходимларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш жараёнларидаги муаммоларни ҳал этиш мумкин ва зарур.

Бугунги кунда модернизация ва ислоҳ қилиш – замонавий бошқарувни янада ривожлантириш омили сифатидаги мулоҳазаларимизни қайд этар эканмиз, қуйидаги устувор жиҳат ва йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарур:

Биринчидан модернизация жараёнларини бошқаришнинг янада ривожлантириш ва унинг услубларини такомиллаштириш соҳасидаги муҳим вазифалар қаторида шуни алоҳида қайд этиш керакки, қабул қилинган қонун-қоидалар меъёрий ҳужжатларда қандай келтирилган бўлса, уни ижро этишдаги мутаносиблик ҳолатлари сезиларли даражада бўлишини таъминлаш. Бу билан корхона бошқарувида ўзаро иқтисодий муносабатларни

янада яхшилаш имконияти юзага келади ва ҳар қандай корхона фаолиятида бозор муҳитига нисбатан барқарор мувозанатга эришиш учун шарт-шароитларни келтириб чиқаради.

Худудий-маҳаллий бошқарув органлари раҳбарлари ва турли корхоналарни бошқарувчи раҳбарлари ўз ваколатлари доирасида ишни аниқ белгилаб, унинг самарали бажарилиш назоратини ҳам олиб боришлари лозим.

Иккинчидан, вилоят миқёсидаги ислохотларни амалга оширишда маҳаллий бошқарув органлари фаолияти ва ролини ошириш ҳамда масъулиятини кучайтириш.

Учинчидан, бозор муҳитида ҳар бир бозор субъектининг мустақиллиги ва эркинлигини таъминлашга қаратилган аниқ, қонуний чора-тадбирларни амалга ошириш.

Биз иқтисодиётни бошқариш ва ривожлантириш йўлида олдимизга қўйган мақсадларни соддагина қилиб ифодаламоқчи бўлса – ҳар қандай раҳбар меъёрий ҳужжатларнинг асл моҳиятини чуқур тушунган ҳолда уларга амал қилиб, белгиланган талабларни бажарилишига жавоб беришлари шарт. Бошқача айтганда у ёки бу раҳбар ўртасидаги ўзаро муносабатларда уларнинг ҳар қайсиси ўз масъулиятларини ҳис қилишлари, ўз юкини кўтариши ва таъбир жоиз бўлса, ўз аравасини мустақил равишда тортиши даркор.

Модернизация жараёнларини бошқариш соҳасида фикр мулоҳазалар юритар эканмиз, қуйидагиларни инобатга олиш фойдадан ҳоли эмаслигини қайд этамиз.

Модернизация жараёнларини бошқариш ҳозирги даврда бошқарувнинг зарур бир йўналиши бўлиб, унда иқтисод социология, психология, ҳуқуқ, техник ва бошқа фанларда эришилган ютуқлар, шунингдек, бошқарув санъати тажрибалари ўз ифодасини топади. Ўзбекистонда шаклланаётган модернизация ва ислох этиш жараёнларининг амалга ошиши - бу комплекс равишдаги замонавий услубларни қўллаш бўлиб, у бозор иқтисодиётининг шаклланиши, тадбиркорликнинг ривожланиши, муайян шарт-шароитлар ва рақобатга лаёқатлилигининг яратилиши, иқтисодий эркинлик ҳамда масъулият асосида жисмоний ҳамда ҳуқуқий шакллар фаолиятини жонлантириш учун қулай замин яратилиш билан бир вақтда дунёга келмоқда.

Модернизация ҳам ўзига хос мураккаб ижтимоий-иқтисодий, ахборот берувчи ва ташкилий-техник ходиса, иш жараёни бўлиб, объект ҳолати, сифатларининг турланишига қараб сезиларли такомиллашиб боради. Бу эса муайян тамойиллар ва босқичларнинг мавжуд бўлишини, яъни ҳар қандай фаннинг предметини ташкил этувчи қонуниятлар ва принципларни тақазо этади.

Маълумки, бошқариш жараёни ривожланишни секинлаштирувчи ёки тезлаштирувчи муайян объектив тамойиллар, шунингдек, унинг муайян потенциали ва ўзгариш динамикаси билан характерланади. Шунинг учун ҳам объектив тенденцияларни ўз вақтида аниқлаб, улардан бошқарув жараёнида моҳирона фойдаланиш керак. Потенциал ва фойдаланилаётган ресурслар, имкониятлар (моддий, молиявий, ишлаб чиқариш, меҳнат, ахборот, ташкилий) ва ҳажми билан белгиланади.

Модернизация жараёнларини бошқаришга маданият, кадриятлар ва эътиқодлар тизимининг замонавий унсури сифатида қаралади. Бу жараённи бошқариш ўз кадриятлари ва бойликларини яратаётган ҳамда ижтимоий-ахлоқий қарашларини шакллантирадиган инсон ва жамият ривожига муайян таъсир кўрсатади. Инсон ресурслари ва тадбиркорлик фаолияти замонавий менежмент асосини ташкил этади. Бинобарин, менежментнинг асосий вазифаси ахборот, билим, тажриба ва янгиликни ишлаб чиқариш кучига айлантиришдир.

Менежер қуйидаги фазилатларга эга бўлиши керак:

- билимга ташналик, профессионализм, новаторлик, ишга ижодий ёндашиш;
- қатъийлик, ўзига ишонч ва ишга фидоийлик;
- янгича фикрлаш, топкирлик, ташаббускорлик ва ғояларни ҳаётга татбиқ эта олиш қобилияти;
- одамларга рухий таъсир кўрсата олиш салоҳияти;

- чиқишимли бўлиш ва ютукни ҳисоб қилиш;
- хиссиётга берилмаслик ва рухий зарбаларга чидаш;
- очиқ кўнгиллилик, тадбиркорлик ва юз бераётган ўзгаришларга осон мослашиш;
- вазиятни бошқара олиш ва корпоратив тузилмаларда шахсга хос ғайрат-шижоат кўрсатиш;
- ўзини-ўзи ўстиришга ва ўзини сафарбар этишга ички эҳтиёж сезиш;
- серғайрат ва бардошли бўлиш;
- ўзини мувафақиятли ҳимоя қилишга мойиллик ва самарали хужумга ўта олиш;
- ўз иши ва қабул қилинган қарорлар учун масъулиятни хис этиш;
- жамоада ва жамоа билан ишлашга ўзида эҳтиёж сезиш;

Чет эл бошқарувида «менежмент» тушунчаси кўпинча «бизнес» тушунчаси билан ёнма-ён юради. Бизнес фаолият сифатида муайян бир маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш, хизмат кўрсатиш орқали фойда олишга, шунингдек, самарали ишлаш учун зарур шарт-шароитларни яратишга қаратилгандир.

Замонавий менежмент тамойиллари. Амалиёт тажриба бошқарувнинг анъанвий тўрачилик принциплари ўрнига замонавий менежмент назариясининг тизимли принципларини ишлаб чиқди. Уларга қуйидагилар киради:

- тизимнинг ўзини-ўзи ташкил қилувчи ва ўзини-ўзи бошқарувчи инновация унсурларини шакллантириш ва ривожлантириш динамизми;
- вертикал тузилмаларни децентрализация қилиш ва мақсадли фаолиятини таъминловчи горизонтал алоқаларни кучайтириш;
- ижобий ва салбий оғишларга ўз вақтида, тез эътибор бериш;
- фирмада биргаликдаги ҳаракатлар ташкил қилиш борасида кўрилган тадбирларни тижорий ва функционал натижаларга, эришишга ёрдам бераётган, ҳам самарали ишлашга ҳов бўлаётган омилларга баҳо бериш.
- замон ва маконда фаолиятни бошқариш, одамларни (персонални) бошқариш, ишлаб чиқаришни янгилаш учун ташкилотдан ташқари алоқаларни бошқариш усуллари ва жараёнларини синтез қилиш орқали уларни самарали бирлаштириш.

Илим ва маҳорат. Замонавий менежерга бутун дунёда самарали, инновацион раҳбар деб қаралади, унинг ютуқлари қуйидагилардан ташкил топади:

етақчи+хуқуқ+иш услуби+мансаб.

Бунинг учун менежер бозор иқтисодиёти қонуниятлари ва тамойилларини, замонавий менежер назарияси ва амалиётини, менежмент тизимида одамларнинг бир мақсад йўлидаги хулқ-атвори, юриш-туриши тарзини асослаш шаклларини ва услубларини бошқаришнинг замонавий парадигмаларини, бозор тузумларини лойиҳалашга системали ёндашишни, бозор тузулмаси фаолияти натижаларини комплекс равишда таҳлил этиш усулларини билиш керак. Менежер амалдаги қонунларни ва менежментни миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида ҳамда фаолият доирасида қонуний равишда тартибга солиб туришни билиши керак.

Ахлоқ меъёрлари. Этика одамларнинг тўғри ва нотўғри хулқ-атвори, юриш-туришини белгиловчи тамойилларни ифода этади. Менежмент ва тадбиркорлик одоби хулқ-атвор муқобилларининг кенг спектрини ўз ичига олади.

Бунга менежер, тадбиркор ва бизнесменнинг мақсад ниятлари ҳам, уларга эришишда фойдаланадиган воситалари ҳам киради.

«Этика» сўзи юнон тилидан келиб чиққан бўлиб, таржимада одат, таомиллар, хулқ-атвор қоидалари деган маънони англатади. Этика назарий ёки фалсафий, амалий этикага бўлинади.

Амалий этика энг қадимий назарий фанлардан бўлиб, унинг ўрганиш объекти одоб-ахлоқдир. Амалий ёки меъёрий булсин, этика ахлоқий тамойиллар, аъмоллар ва меъёрларни асослаб беради.

Иқтисодиётга тадбиқан асосий ахлоқий меъёрларни кўриб чиқамиз:

- энг юқори унумдорлик ва фойдага, теварак-атрофга зарар етказиш ҳисобига эришилмаслиги керак;
- рақобат ҳалол йўллар билан амалга оширилиши, яъни бозор қонун-қоидаларига қатъий амал қилиши лозим;
- меҳнат билан яратилган неъматлар жамиятнинг табақаланишига йўл қўймайдиган қилиб тақсимланиши керак;
- инсон техникага эмас, техника инсонга хизмат қилиши керак;
- ишловчиларнинг корпорация ишларида оқилона иштирок этиши нафақат янада яхшироқ меҳнат қилиш истагини кучайтиради, балки масъулият ҳиссини ҳам оширади;
- иқтисод диндан фарқли улароқ ахлоқ-одоб меъёрларига эмас, моддий неъматларни тақсимлашга қаратилган бўлади, У амалдаги ахлоқ-одоб меъёрларига бўйсиниши керак.

Менежер ўз ҳамкасблари билан бўладиган иш фаолиятида умумтомондан қабул қилинган қоида ва меъёрларга амал қилади: ҳалол рақобат усулларидан фойдаланиш; нопок йўл билан топилган пулдан фойдаланмаслик; очиқчасига иш қилиш, агар шерик ҳам шундай қилса; ҳар қандай шароитда ҳам берган ваъдасининг устидан чиқиш; қўл остидаги одамларга таъсир кўрсатишда ҳалол, тўғри усуллардан фойдаланиш; талабчан бўлиш, лекин қўл остидагиларнинг кадр-қимматини ерга урмаслик; меҳрибон ва жонкуяр бўлиш.

Ўз-ўзини ривожлантириш. Менежментнинг ўз-ўзига ривожлантиришга тўсик бўлаётган омиллардан қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатамиз:

- ўзини бошқара олмаслик;
- қийматини йўқотган шахсий қадриятлар;
- ўз-ўзини ривожлантиришни тўхтатиш;
- муаммоларни ҳал этишда кўникманинг етишмаслиги;
- ижодий ёндашувнинг етишмаслиги;
- одамларга таъсир қилолмаслик ва уларга йўл-йўрик кўрсата билмаслик;
- бошқарув жараёнининг ўзига хос томонларини етарлича одамлар ва ресурсларни бошқариш кўникмасининг бўшлиги;
- ўз-ўзини ривожлантиришга ўргата олмаслик ва бу борада талаблар қўя олмаслик;
- жамоани шакллантириш қобилиятининг пастлиги;

Самарали бошқариш қобилияти. Давлат тизимлари раҳбарлари ва тижорий тизимлар менежерларига амалдаги омилларнинг таъсирини таҳлил этиш самарали менежердан ҳозир ва келгусида қандай қобилият ҳамда ишбилармонликни талаб этишини олдиндан айтиб бериш имконини туғдиради:

1. Қатъий хаяжонланиш, тазъийк ва ноаниқлик бозор иқтисодиёти ҳаётининг турли шаклларида зоҳир бўлади. Бинобарин ишбилармон менежерлардан ўзини ва вақтини самарали бошқара олиш салоҳияти талаб этилади.

2. Анъанавий қадриятларимизнинг нураши шахсий иймон-этиқодлар ва қадриятларнинг айнишига олиб келади. Шунинг учун ҳам ҳозирги менежерлардан ўз шахсий қадриятларини аниқлаб, белгилаб олиш қобилияти талаб этилади.

3. Танлашнинг кенг имкониятлари мавжуд, бинобарин менежерлар бажараётган ишининг мақсадлари билан ўз мақсадларини аниқ белгилаб олишлари керак.

4. Ташкилий тизимлар бугунги раҳбарларни ўқитиш-ўргатиш учун имкониятларни яратиб беришга қодир эмас. Шунинг учун ҳам ҳар бир менежер ўзининг ўсиши, ривожланиши билан ўзи мунтазам шуғулланиши керак.

5. Муаммолар тобора кўпайиб борапти, ҳаммаси ҳам мураккаб, ҳолбуки, уларни ҳал этиш имкониятлари, воситалари кўпинча чекланган бўлади. Бинобарин муаммони тез ва самарали ҳал этиш қобилияти бошқарувчилик кўникмаларининг энг муҳим қисми бўлиб қолмоқда.

6. Савдо бозорлари, энергетик ресурслар ва фойда олиш учун мутгасил кураш янги ғояларни олға суришни талаб қилади. Шунинг учун ҳам раҳбарлар ниҳоятда топқир бўлишлар ва вазият, шароитнинг ўзгаришини дарров пайқаб олишлари керак.

7. Анъанавий иерархия муносабатлари қийинлашиб боряпти, бинобарин самарали боршқариш тўғридан-тўғри буйруқ бермай, теварак-атрофдагиларга таъсир қилиш кўникмасидан фойдаланиш демакдир.

8. Бошқарувнинг кўпгина анъанавий мактаб ва методлари ўз имкониятларини ишлатиб бўлди, улар бугун ва эртанги кун талабларига жавоб беролмай қолди. Шунинг учун ҳам янги, янада замонавий бошқарув усуллари талаб этилади ва кўпчилик менежерлар қўл остидаги одамларга бошқачароқ муносабатда бўлишлари, муомала қилишнинг бошқа усуллари ўзлаштиришлари керак.

9. Бугунги кунда ёлланма ходимлардан фойдаланиш катта сарф-харажатлар, қатор қийинчиликлар билан боғлиқ, бинобарин ҳар бир раҳбардан одам ресурсларидан моҳирлик билан фойдаланиш талаб этилади.

10. Кенг кўламдаги ўзгаришларнинг юз бериши янги кўникмаларни ўзлаштиришни, янги ёндашувларни ривожлантиришни, замондан орқада қолиб кетмаслиги учун курашишни талаб этади. Шунинг учун ҳам менежерлар бошқаларнинг янги усулларни тезроқ ўрганишлари ва амалий кўникмаларни ўзлаштиришларига ёрдам беришлари талаб этилади.

11. Мураккаб муаммолар бир неча одамларнинг биргаликда ҳаракат қилишларини, қарорларни ҳамкорликда амалга оширишларини тобора кўпроқ талаб қилмоқда, бинобарин менежер тадбиркор, топқир, самарали ишлай оладиган гуруҳларни барпо эта олиши, уларни мутгасил такомиллаштириб бора олиши керак.

3.2. Иқтисодийни модернизациялашда ҳудудий бошқаришнинг аҳамиятини ошириш йўналишлари

Бугунги кунда ҳар қандай бошқариш объектида модернизацион жараёнлар бошқаруви услубларини қўллаш объектив заруриятга айланган. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай бозор субъекти янгича модернизация услубларидан ва бошқарувнинг янгича андозаларидан фойдаланишга ҳаракат қилади. Чунки бошқарувчи шахсларнинг ўзи ҳам рақобатлашишга мослашиб, ўз билимини такомиллаштириб бормоқдалар. Демак, модернизация жараёнларини бошқаришнинг бундан буён ҳам ўрганадиган тамойиллари, қонуниятлари мавжуд. Сабаби модернизацион жараёнларни бошқаришнинг ўзи такомиллашиб, ривожланиб борувчи соҳадир. Шу туфайли аксарият раҳбарлар ўз бошқарувини ташкил этаётганда «раҳбарликнинг ёки бошқарувнинг барча сирларини ўзлаштириб бўлганман», деган хулоса чиқаришга шошилмайдилар.

Чортоқ тумани мисолида раҳбарларнинг фикрини ўрганиш юзасидан ўтказилган ижтимоий тадқиқотларимиз натижалари юқоридаги фикрларимизни амалий жиҳатдан тасдиқлайди. Бироқ, биз ўтказган ижтимоий сўровнома натижаларидан шуни англаш мумкинки, ҳозирги раҳбарларнинг 97,6 фоизи бозор иқтисодиётини қўллаб-қувватласалар, уларнинг атиги 1,1 фоизи бозор иқтисодиётидаги муносабатларга нисбатан салбий фикрларини билдиришган. Қолган 1,3 фоизи умуман жавоб беришни хоҳлашмаган, яъни анкета саволи жавобсиз қолдирилган.

Фикримизча, анкеталаштирилган раҳбарларнинг ана шу 2,4 фоизи бозор иқтисодиёти тизимида ўзларининг раҳбарликларини амалга ошириб борсаларда, кўнгиллари тўлмаётганлигини қайд эта олмаганлар. Бундай раҳбарларнинг ҳозирги шароитлардаги бошқарув жараёнларида сунъий тарздаги муаммоларни келтириб чиқаришга мойилликлари бўлади. Шу боис давлат идораларидаги айрим раҳбар ходимлар ўзининг бошқарувини модернизация асосидаги бозор муҳитига асосланган шароитларга мослаштира оламаяптилар.

Бундай жараёнларни олдини олиш учун давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг демократик тамойиллар ва уларнинг иқтисодий саводхонлиги ҳамда маданиятини оширишга асослантириш мақсадга мувофиқдир.

Модернизация жараёнлари бошқарувининг такомиллашувида иқтисодий маданият етарли даражада шаклланганлигини тасдиқловчи далиллар бўлиши керак. Шундагина раҳбарлик қилиш ва хўжалик юритишда субъектив салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига чек қўйилади. Агар бундай жараёнлар амалиётда қўлланилса, хўжалик юритиш субъектларининг манфаатларига асоссиз путур етказилмайди, эркин иқтисодий фаолият доираси кенгаяди ва бошқарув тизимининг мукамаллигига эришилади. Бунинг учун эса изчил иқтисодий тарбия ишлари тизимини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишимиз зарур.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган раҳбар кадрлар янгича иқтисодий фикрлашга эришишлари лозим. Ҳар соҳада юксак малакали кадрларни янгича иқтисодий фикрлайдиган даражада тайёрлаб бориш – бугунги кун талабидир.

Бундай салоҳиятли ишларни амалга ошириш учун барча ўқув юртларида, мактабларда замонавий иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ўргатиш-ўрганиш ва бу фанлардан имтиҳонлар жорий этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу, мақсаднинг бир томонидир. Мақсаднинг иккинчи томони, иқтисодиёт фанларини ўқитиш учун шу соҳанинг малакали мутахассисларини жалб этиш талаб этилади.

Маълумки, Чортоқ туманида радио, телевидение ва матбуот соҳалари ҳам яхши ривожланган. Мақсадимиз шуки, иқтисодий билимларнинг кенг тарғиботи ва ташвиқотини амалга ошириш учун оммавий ахборот воситаларидан самарали фойдаланиш имкониятларини топишимиз зарур. Далил сифатида айтиш мумкинки, ҳозирги кунга қадар вилоят телевиденияси томонидан иқтисодий билимларни тарғиботи билан машғул бўлган бирорта кўрсатув яратилмаган.

Фикримизча, бундай ҳолатларга ҳам йўл қўймаслик керак. Телевидения ходимлари ва маҳаллий миқёсдаги олий ўқув юртларининг етакчи профессор-ўқитувчилари ҳамкорлигида иқтисодий билимларни, бошқарув сирларини ўргатишга доир мулоҳазали кўрсатувларни узлуксиз кўрсатиб бориш имкониятига эришиш мумкин. Бундан ташқари иқтисодиёт билан боғлиқ радио эшителишларини ҳам ташкил этиш имкониятлари йўқ эмас. чортоқ туманида бундай шароитларни яратиш учун келиб чиқадиган мураккаб вазиятларни олдини олиш мумкин.

Қолаверса, маҳаллий матбуот рўзномаларида ҳам юқоридаги фикрларимизни давом эттирувчи мақолалар ва мулоҳазали фикрларни чоп этиб бориш зарур. Энг эътиборлиси, вилоят миқёсида вилоят ҳокимлиги томонидан бошқарув соҳасига оид ва бу соҳани ривожлантириш билан боғлиқ ойлик илмий оммабоп журнални чоп этишни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги тавсияларимиз туфайли аҳолининг иқтисодий саводхонлигини ошириш мақсадида мунтазам чоп этилаётган қонун ҳужжатлари билан тегишли идора ва ташкилотлар томонидан яқиндан таништириб борилади. Бу эса бозор муносабатларининг янада ривожланишига олиб келади. Шу билан бирга бошқарувнинг янгидан янги замонавий услублари ишлаб чиқилади.

Шуни алоҳида айтиш керакки, бозор иқтисодиёти муносабатлари жараёнида ошкоралик тамойиллари устувордир. Шунинг учун ошкораликни таъминлаш биринчи даражали устувор вазифаларимиздан бўлиб қолмоғи лозим.

Энг муҳими бошқа давлатларнинг иқтисодий тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Жаҳоннинг ривожланган давлатларида ишлаб чиқилган бошқарув моделларини ўрганиш, уларнинг ижобий томонларидан фойдаланиш ва салбий томонларини таҳлил этиш орқали тўғри хулоса чиқириш катта аҳамиятга эга. Чунки АҚШ, Германия, Япония каби мамлакатларда иқтисодиётни бошқариш бўйича раҳбарларга тааллуқли бўлган ва ўрганса арзийдиган тажриба ортирилган. Бу каби

давлатларда айни даврда бошқарувни янада такомиллашувига олиб келувчи услубларни ишлаб чиқиш ва бу услубларнинг замонавийлигини оммалаштириш чора-тадбирлари яхши кўрилган.

Жуда кўп раҳбар кадрларимиз дунёнинг ана шундай ривожланган мамлакатларида хизмат сафарларида, малака ошириш ўқишларда, анжуманларда, тажриба алмашилиш тадбирларида қатнашиб, бошқарув соҳасидаги янгиликларни ўрганиб қайтмоқдалар. Ҳукуматимиз томонидан бундай чора-тадбирларни янада кучайтириш зарур.

Замонавий менежментни янада такомиллаштириш йўналишлари ҳақида ўз тақлифларимизни берар эканмиз, бозор субъектлари ўртасида ўзаро иқтисодий хулқни шакллантириш ва рағбатлантириш лозим. Иқтисодий хулқ бу иқтисодий муносабатлар жараёнида шаклланадиган ва фақат ўзаро муносабатдаги шахсларга тегишли бўлган олди-сотди, шартномалар тузиш, воситачилик муносабатлари ва энг муҳими бошқаришда раҳбарлар томонидан эътиборга олиниши зарур бўлган одоб-ахлоқ меъёрларидир.

3.3. Ҳудудий бошқариш самарадорлигини оширишда инновацияларни қўллаш

Инновация субъектлари фаолияти самарадорлигини аниқлаш. Илмий ишлаб чиқариш корхоналари янги технологияни татбиқ этган ҳолда янги, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган корхоналар асосини ташкил қилади. Иқтисодий ислохотларнинг муваффақиятли амалга ошиши эса, кўп жиҳатдан ушбу корхоналар фаолиятини муайян баҳоланишини таъминлайдиган услубий ва методологик мосламалар қўлланилишига боғлиқ. Шу муносабат билан, ишлаб чиқариш корхоналарининг молия-хўжалик, инновация ва инвестиция фаолиятини таҳлил қилиш ва баҳолаш, бундан тўғри ва фойдали хулосалар чиқариш, муаммонинг ечилиши йўллари топиш тўғрисидаги масалалар ривожланган мамлакатлар, хусусан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатлар учун муҳим аҳамиятга эга.

Корхоналарнинг молиявий фаолияти таҳлили учун махсус стандарт коэффициентлар ишлатилади. Бунинг учун шу соҳанинг кучли мутахассиси бўлиш шарт эмас, энг муҳими, бу маълумотлардан тўғри ва самарали фойдаланишни билиш зарур.

Молиявий кўрсаткичлар ва уларнинг нисбатини ишлатиш (коэффициентлар) услуги яхши натижалар бериши мумкин. Коэффициентлар тизими корхонанинг молиявий ҳолати ва ишлаб чиқариш фаолияти натижаларидаги ўзгаришларни кўрсатади уларнинг ўзгариш таркибини ва ноаниқликлар, таваккалчиликлар келтириб чиқарадиган салбий омилларни кўра билишга ёрдам беради.

Корхонанинг фаолияти ва уни таҳлили жуда кўп субъектлар: кредиторлар, давлат бошқарув органлари ва рақобатдаги фирма мутахассислари учун зарур. Аммо улар ўз мақсадларидан келиб чиқиб, фаолиятни баҳолашда ҳар хил нуқтаи назардан ёндашдилар. Уларни кўпроқ корхонанинг нафақат молиявий кўрсаткичлари, балки унинг моддийлашмаган, интеллектуал мулклари, илмий салоҳияти, инновацион ва инвестицион активлиги кўрсаткичлари ҳам қизиқтиради.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолашга йўналтирилган усуллари уларнинг мулк ва фаолият юритиш шакли ҳамда бошқа шунга ўхшаш омилларига қараб ҳар хил бўлади. Қуйида акциядорлик жамияти фаолиятини баҳолашни кўриб чиқамиз.

Корхона акциядорлари учун асосий нарса бу, компаниянинг фойда билан фаолият кўрсатишидир. Уларни яна фойданинг қандай бўлиниши, унинг қайси қисми инвестицияланаяпти, қайси қисми дивидент ҳолда тўланаяпти ва ҳоказолар ҳам қизиқтиради.

Корхонанинг иккита кўрсаткичи — акцияланган капитал ва оддий акцияга кўчирилган тоза фойдаси, мулкдорлар инвестициясининг умуман фойдалилигини кўрсатади. Учинчи кўрсаткич — битта акцияга бериладиган фойда, ҳисобот давридаги инвестиция ҳар бир бўлагининг фойдани олишдаги иштирокини кўрсатади.

Тоза акцияланган капиталнинг фойда нормаси коэффицентларни таҳлил қилишда энг кўп ишлатиладиган кўрсаткич ҳисобланади. Фойданинг йил давомида ҳосил бўлишини ҳисобга олиб, бу кўрсаткични йилнинг охиридагиси эмас, балки унинг ўртача қиймати кўпроқ ишлатилади.

Оддий акцияларга нисбатан фойда меъёри асосан фондлар бозори таҳлилчилари учунгина зарур, чунки бу корхонанинг "соғломлиги"ни кўрсатадиган кўрсаткич ҳисобланади.

Корхона раҳбарлари ва акциядорлар учун энг муҳими, битта акцияга келаётган фойда бўлиб, шу сабабли ҳам корхона фаолиятини стратегик режалаштиришда, мақсад ва вазифаларни белгилашда ушбу кўрсаткич асос қилиб олинади. Бунинг устига, шу кўрсаткичлар асосида мутахассис-таҳлилчилар келажак фаолиятни режалаштирадилар, солиштирадилар ва корхонанинг "кучаяётган"лик ёки "кучсизланаётган" лик омилларини аниқлайдилар.

Бозор кўрсаткичи қилиб қуйидаги иккита коэффицент, яъни: битта акция фойдасини акциянинг нархига нисбати ва акцияларнинг бозор нархини унинг баланс нархига нисбати олинган. Биринчи коэффицент корхона фаолияти натижаларини, келажagini бозор томондан қандай баҳоланганлигини кўрсатади, шу асосда кўпроқ бозорда сотилади. Коэффицент фаолият тармоғи ва компаниянинг турига қараб ўзгаради.

Иккинчи коэффицент эса, компаниянинг тўлиқ фаолият натижаларини беролмаслигини ҳисобга олиб, фақат солиштириш учунгина ишлатилади, холос. Корхоналар фаолиятининг кредиториар, ссуда берувчи фирмалар томонидан баҳоланиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Кредитор ёки ссуда берувчи мувафқиятли фаолият кўрсатаётган корхонани маблағ билан таъминлаб, ўз мақсадларига эришишга интилади. Шунинг учун кредитор узок йилларга қарз бераётганда корхона фаолиятида кутилиши мумкин бўлган тўсиқларни, таваккалчиликларни диққат билан таҳлил қилади. Бундай баҳолаш кредиторни қанчалик ҳимояланганлигини ва корхонани қарз капиталига қанчалик боғлиқ эканлигини аниқлашга имкон беради.

Юқоридаги меъёрий коэффицентлар тизими корхона раҳбариятининг ишлаб чиқаришга таъсир қиладиган қарорларига асос бўладиган таҳлиллар учун ишлатилади.

Молиявий ҳисобот корхона фаолиятини баҳолашдаги асосий ҳужжат ҳисобланади. Одатда, тажрибали аудиторлар ўз ишини фақат молиявий ҳисоботни ўрганишдан бошлайди, уларнинг корхонанинг илмий-техник салоҳияти ёки интеллектуал мулклари кизиқтирмайди.

Таҳлиллардан шу нарса кўриниб турибдики, бозор шароитида корхоналарнинг яхши фаолият кўрсатишининг асосий омили инновация бўлса ҳам, таҳлил жараёнларида эътибор фақат қуйидагилар билан боғлиқ бўлган кўрсаткичларгагина қаратилмоқда:


- молиявий коэффицентлар тўплами;
- молиявий кўрсаткичлар;
- корхонанинг ўз капиталидан фойдаси;
- оддий акцияларга нисбатан фойдаси;
- битта акцияга тўғри келадиган фойда;
- акцияларнинг бозор ва балансли қийматлари нисбати;
- ўз-ўзини қоплаш коэффицентлари.

Шу муносабат билан ҳозирги кучли рақобат шароитида илмий ишлаб чиқариш корхоналари фаолиятини, айниқса, инновация фаолиятини таҳлил қилишнинг янги, самарали усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим ҳисобланади.

Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши. Илмий фаолият давлат сиёсатининг анъанавий йўналиши бўлиб ҳисобланади. Гап шундаки, мақсади фойда олиш бўлган илмий ғояларни бевосита тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига қўлиаш

3.1-чизма. Илмий ва инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қувватланиш кўринишлари

А. Илмий фаолиятнинг давлат томонидан қувватланиш кўринишлари



Б. Инновацион фаолиятнинг давлат томонидан қувватланиши кўринишлари



мумкин эмас. Шу сабабли корхона ва компаниялар тадқиқотларни молиявий таъминлашда эҳтиёткор бўладилар, ваҳолангки, уларнинг натижаларидан манфаатдордирлар. Ҳозирги замон шароитида бизнесни инновацион жараённинг муҳим ресурсларидан бири бўлган — илмий ғоялар ва билимлар билан таъминлаш функциясини ўз гарданига олади. Худди шунинг учун ҳам йетакчи давлатларнинг расмий ҳужжатларида илмий-техник тараққиёт ягона занжир сифатида кўрилади: илмий ғоялар ва ишлаб чиқилмалар - инновацион бизнес - кенг кўламли фойдаланиш (кўллаш).

МДҲ нинг бошқа давлатлари каби бозор иқтисодиёти билан боғлиқ бўлган ислохотларни амалга ошираётган Ўзбекистонимиз учун ҳам илм ва техника доирасини давлат томонидан бошқаришнинг оқилона шакллари ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки ИТТ иқтисодий ўсишнинг асосий манбаси бўлиб ҳисобланади.

Жаҳон йетакчи давлатлари илмий ва инновацион сиёсатининг мақсадлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

- мамлакат иқтисодиётининг ўсишида итм ва техника улушини ошириш;
- моддий ишлаб чиқаришда прогрессив ўзгаришларни таъминлаш;
- жаҳон бозорида миллий маҳсулотимизнинг рақобатбардошлигини ошириш;
- мамлакат хавфсизлиги ва мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш;
- экологик муҳитни яхшилаш;
- мавжуд илмий мактабларни сақлаш ва ривожлантириш.

Давлат ўз сиёсатининг мақсадларини аниқлаш билан бир вақтда принциплар ва бу сиёсатни амалга ошириш механизмини ҳам ишлаб чиқади. Бу принциплар мамлакатда шаклланган хўжалик тизими ва давлат институтларининг иқтисодий фаолиятига таъсирининг чуқурлигига боғлиқдир. Илмий ва инновацион фаолиятни давлат томонидан кўллаб-қувватланишининг шаклланган механизми чизмада кеитирилган.

Илмий ва инновацион фаолиятда давлат сиёсатининг асосий принципларига қуйидагилар киради:

- илмий ва илмий-техник ижоднинг эркинлиги;
- интеллектуал мулкнинг ҳуқуқий ҳисобланиши;
- илмий, илмий-техник фаолият ва таълим интеграцияси;
- илм ва техника соҳасида рақобатни қувватлаш;
- илмий ривожланишнинг устувор йўналишларида ресурсларни концентрациялаш;
- илмий, илмий-техник ва инновацион фаолиятда ишбилармонликни рағбатлантириш;

3.1-чизмада жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида илмий ва инновацион фаолиятнинг давлат томонидан кўллаб-қувватланишнинг шакллари келтирилган.

Жаҳон амалиётида қувватлаш даражаси ва шакллари бўйича қуйидаги кўринишларда бўлади:

- фаол аралашуш давлат стратегияси;
- номарказлашган;
- аралаш.

Республикамизда хорижий сармояларни жалб этиш тадбирларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосланади. Биринчидан, ташқи иқтисодий фаолиятни янада эркинлаштириш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб сиёсат юргизиш; иккинчидан, республика иқтисодиётига бевосита капитал маблағни жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва бошқа шарт-шароитларни тобора такомиллаштириш; учинчидан, республикага жаҳон даражасидаги технологияни йеткизиб бераётган, халқ хўжалигининг замонавий таркибини вужудга келтиришда кўмаклашаётган хорижий сармоядорларга нисбатан эшикларни очиб қўйиш сиёсатини изчиллик билан ўтказиш; тўртинчидан, маблағларни республика мустақиллигини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган энг муҳим устувор йўналишларда жамлаш;

республикада хорижий имтиёзларнинг кенг тизимини вужудга келтирган хорижий сармоядорлар учун имтиёзли солиқ жорий этилган. Амалдаги имтиёзлар ва рағбатлантириш омиллари тизимида:

—ишлаб чиқариш ҳажмида товарлар (ишлар, хизматлар) экспорти камида 30 фоизни ташкил этадиган корхоналарга, мулкчилик шаклларида қатъий назар, фойда солиғини амалдаги ставкалардан икки баробар камроқ тўлаш ҳуқуқини бериш;

—Республика давлат инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича солиқлар тўлашдан беш йил муддатга озод этиш;

—хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар даромадининг ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ва технологияни янгилашга сарфланадиган қисмидан солиқ олмаслик;

—ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни рухсатномасиз бемалол четга олиб кетиш;

—Ўзбекистон ҳудудида қўшма корхоналарнинг ва фақат хорижий сармоя билан ишлайдиган корхоналарнинг устав фондида ҳисса қўшиш учун мол-мулкни четдан бож тўловларсиз олиб кириш;

—жисмоний ва юридик шахсларнинг, жумладан, ажнабийларнинг давлат мулкни хусусийлаштириш жараёнида, шу жумладан, кўчмас мулкнинг кенг миқёсда сотилишида бемалол иштирок этишларини таъминлаш;

—инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йер участкаларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳуқуқини танлов асосида сотиб олиш кўзда тутилган.

Ўзбекистон инвестицияларини ўзаро ҳимоя қилиш тўғрисида Германия, Туркия, Миср, Индонезия, Малайзия, Покистон, Финляндия, Корея, АҚШ, Франция каби 20 тага яқин давлатлар билан битимлар имзолади.

Ўзбекистон ҳукумати Канада, Хитой, Туркия, Голландия, Германия, Швейцариянинг банклари ва фирмалари билан 2 млрд. АҚШ долларига яқин суммада ҳукуматлараро қирққа яқин йирик кредит битими тузди ва ҳозир бу битимларга амал қилмоқда.

Хулоса

Худудий иқтисодиётни бошқаришда модернизация жараёнларини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятларини ўзлаштириш шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитида маҳаллий иқтисодиётни бошқаришда замон талабидан келиб чиқилган ҳолда чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳамда давр ўзгаришларига мос келадиган бошқарув тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бугунги кунда Чортоқ тумани иқтисодиётини худудий бошқариш, унинг нафақат айрим тармоқларини бошқариш балки, худудий бошқарув органларидаги бошқарувни ташкил этиш масалалари модернизацион услубларни амалда қўллашни тақозо этмоқда.

Фақат, бу ерда бир нарсани қайд этиш керакки, иқтисодиётни худудий бошқаришда қўлланилаётган модернизация ва ислоҳ этишнинг ҳозирги давр тамойиллари ёки услублари бошқарув объектида мавжуд фавқулоддаги жараёнларни, ҳолатларни ижобий томонга силжиши учун нақадар самара бера олишлигини пухта ва атрофлича кўриб чиқилганлигини ҳисобга олиш даркор. Бу эса вилоят иқтисодиётини ҳар томонлама бошқарувини тартибга солиш ёки самарадорлигини ошириш имкониятларини кенгайтиради.

Иқтисодиётни модернизация қилиш ва ислоҳ этишнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганар эканмиз, бу орқали раҳбарлик сифатларини ўрганишда раҳбар ва мутахассис сифатларини ўзига хос таркибларини билиб олиш мумкин. Булар қуйидагича:

Биринчи гуруҳ – умумижтимоий сифатлар бўлиб, унга раҳбар ва мутахассисларнинг маънавий, ижтимоий-психологик сифатлари киради. Бунда ишчи ходимларни бошқаришда инсон темпераментини ўрганиш масалалари биринчи даражалидир.

Иккинчи гуруҳ – касбий сифатлар бўлиб, унга маънавий-иродавий, билимдонлик, ташкилотчилик ва педагогик сифатлар киради. Чунки раҳбар шахс ҳар қандай салбий ҳолатларда ҳам ўзини тутган ҳолда вазиятдан чиқиб кетиш имкониятини топа олиши лозим.

Фикримизча, бугунги кунда раҳбарлик қилаётган кадрлар учун замонавий менежментни услубларини ўзларининг фаолиятларида жиддий қўллашлари зарур. Замонавий менежментни янада ўрганиш, ўзлаштириш ва ривожлантириш учун эса қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди:

Биринчидан, модернизация жараёнларини тезлаштириш зарур. Бунинг учун:

1. Иқтисодиётнинг марказлашган бошқарув тизимининг емирилиши туфайли юзага келган иқтисодий эркинлик омилидан самарали фойдаланиш учун иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги тамойилининг бузилишига барҳам бериш лозим. Бу тамойилни амалда ишлаш механизмига жиддий эътибор бериш зарур.

2. Жойларда меъёрий-ҳуқуқий базанинг мукамал ишлашини назорат этишни кучайтириш ва ҳуқуқий барқарорликни самарали таъминлаш учун масъул раҳбар ходимларнинг малакасини ошириш, жиддий ҳолларда ишдан четлаштиришгача бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

3. Бошқарувчи кадрларни зарур ахборотлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш ва уларни ахборот билан ўз вақтида таъминлашни йўлга қўйиш керак.

4. Маҳаллий бозор инфратузилмасини ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш ва амалда бажарилишини назорат қилиш лозим.

5. Давлат идоралари ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги муносабатларнинг демократик тамойиллар ва уларнинг иқтисодий саводхонлигига ҳамда маданиятига асосланиш зарур.

Иккинчидан, иқтисодий маданиятни етарли даражада шакллантириш мақсадга мувофиқ. Фақат шундагина ҳўжалик юритишда субъектив салбий ҳолатларнинг келиб чиқишига чек қўйилади. Иқтисодий маданият туфайли ҳўжалик юритиш субъектларининг манфаатларига асоссиз путур етказилмайди, эркин иқтисодий фаолият доираси кенгайди ва бошқарув тизимининг мукамаллигига эришилади. Бунинг учун изчил иқтисодий тарбия ишлари тизимини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим. Хусусан:

- 1) барча ўқув юртларида, мактабларда замонавий иқтисодиёт ҳақидаги билимларни ўргатиш-ўрганиш ва бу фанлардан имтиҳонлар жорий этиш;
- 2) радио, телевидение ва матбуотда иқтисодий билимларнинг кенг тарғиботи ва ташвиқотини амалга ошириш;
- 3) ошкораликни таъминлаш;
- 4) бошқа давлатларнинг иқтисодий тажрибаларини ўрганиш ва улардан фойдаланиш.

Фикримизча, ҳар бир бошқарувчи шахс замонавий менежмент услубларидан фойдаланган ҳолда энг аввало ишчилар эҳтиёжини, ишга бўлган муносабатини яхшилашга қаратилган унсурларни биринчи даражали деб билиши зарур. Албатта корхонада меҳнат унумдорлигини ошириш ва фойдани максималлаштириш масалалари раҳбар учун жуда муҳим. Бироқ унга эришишнинг энг самарали йўли инсон омилидан тўғри ва оқилона фойдаланишдир. Бунинг учун эса инсоннинг эҳтиёжини, меҳнатга бўлган қизиқишини, меҳнат ва иш ҳақини ташкил этишни ўз ичига оладиган корхона даражасидаги ёки вилоят миқёсидаги бошқарувга ижтимоий нуқтаи назаридан ёндашиш керак.

Шуни қайд этамизки, 2012 йилда модернизация жараёнларини бошқариш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда, Бундай жараёнларни тезлаштириш эса биз каби ёш мутахассислар қўлида.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Меъёрий ҳужжатлар ва Республика Президенти асарлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2003. -40 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Қорхоналар тўғрисида»ги Қонуни –Т.: «Адолат», 1992.
3. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат кодекси. –Т.: «Адолат», 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури». –Т.: 1998.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 24-сонли қарори. «Жамиятни демократиялаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш мақсад ва вазифаларини амалга ошириш дастури тўғриси»да. 2005. 10 март.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ 29-сонли қарори. «2005-2006 йилларда қорхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғриси»да. 2005. 14 март.
7. **Каримов И.А.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
8. **Каримов И.А.** Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқи. -Т.: «Шарқ»,1997.
9. **Каримов И.А.** Жамиятимиз мафқураси ҳалқни-ҳалқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. «Тафаккур» журнали. 1998., 2- сон.
10. **Каримов И.А.** Ўзбекистон буюк келажак сари. -Т.: «Ўзбекистон» 1998.
11. **Каримов И.А.** Ҳалқимиз жипслиги - тинчлик ва тараққиёт гарови. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XII сессиясида маърузаси. «Маърифат» рўзномаси, 29.08.1998.
12. **Каримов И.А.** Ўз келажакимизни ўз кўлимиз билан қурмоқдамиз. -Т.: «Ўзбекистон», 1999.
13. **Каримов И.А.** Бизнинг мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. –Т.: «Ўзбекистон», 2005. -96 б.
14. **Каримов И.А.** Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислоҳот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. //Ватанпарвар. 15 фев. 2008.
15. **Каримов И.А.** Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.
16. **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашни изчил давом эттириш – давр талаби. Президент Ислоҳ Каримовнинг 2008 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар маҳкамаси мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 14 февраль.
17. **Каримов И.А.** Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009.
18. **Каримов И.А.** Ўзбекистон Конституцияси – биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. – Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси // Халқ сўзи, 2009 йил 6 декабрь.
19. **Каримов И.А.** Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир. – Президент Ислоҳ Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2010 йил 28 январь.

20. **Каримов И.А.** Асосий вазирамиз – ватанимиз тараққийети ва халқимиз фаровонлигиниянада юксалтиришдир. –Т.: Ўзбекистон, 2010. -80 б.
21. Каримов И.А. 2012 йил ватанимиз тараққийетини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
22. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
23. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.: Ўзбекистон, 2011.
24. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққийетини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. –Т.: Ўзбекистон, 2011.

2. Илмий адабиётлар ва рисоалар

25. Аманжаев Т.Г. Роль государство при переходе к рыночной экономике. Вестник МГУ. Серия 6.: Экономика. №6 1996.
26. Анрдианов А. Государственное регулирование и механизмы саморегуляции в рыночной экономике. Мировой опыт и Россия. Вопросы экономики, №9 1996.
27. **Валуев С.А.; Игнатъев А.В.** Организационный менеджмент. -М.: 1993.
28. **Вершигора Е.Е.** Менеджмент. Учебное пособие. М.; ИНФРА- -М.: 1998.
29. **Вихонский О.С.; Наумов А.И.** Обучение менеджменту. М.; 1994.
30. **Вихонский О.С.; Наумов А.И.** Менеджмент. М.; 1995.
31. **Валижонов Р.; Қобулов О.** Менеджмент асослари. -Т.: «Университет», 1997.
32. **Веснин В.Р.** Основы менеджмента. Учебник. -М.: «Триада- ЛТД», 1997.
33. **Герчикова И.Н.** Менеджмент: Учебник. -3-е изд., перераб. доп. -М.: ЮНИТИ, 2000. - 501с.
34. **Гольянов В.П. и др.** Краткий курс менеджмента. Самара, 1992.
35. **Гулямов С.С., Семенов Б.Д.** Основа современного менеджмента. -Т.: ГФНТИ, 1997.
36. **Глухов В.В.** Основы менеджмента. Учебно-справочное пособие. –СПб.: «Специальная Литература», 1995.
37. **Глухов В.В.** Менеджмент.: Учебник. –СПб.: «Специальная Литература», 1999. -700с.: ил.
38. **Друкер П.** Эффективный управлюющий. -М.;1994.
39. **Задарский В.И.** Менеджмент. Теоретический курс. -М.: 1992
40. **Кабаков В.С. и др.** Менеджмент: Проблемы и решения. -Л., 1990.
41. Камаев В.Д. Экономическая теория. Учебное пособие для ВУЗов. М.: ВЛАДОС, 1999.
42. Маконелл К.Р., Брю С.Е. Экономикс: Принципы, проблем и политика. 2 т Пер с англ. М.: ВЛАДОС, 1992
43. **Мескон М.; Алберт М.; Хедоури Ф.** Основы менеджмента. -М.: 1995.
44. **Максимцов М.М. и др.** Менеджмент. Учебник для вузов -М.: ЮНИТИ, 1998.
45. **Поршнев А.Г.** Управление инновациями в условиях перехода к рынку. -М.: РИЦЛО «Мегаполис-Контакт», 1993.
46. **Фатхутдинов Р.А.** Разработка управленческого решения: Учебное пособие. -М.: ЗАО-1997.
47. **Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё.** Менеджмент: Дарслик. -Т.: «Ўқитувчи», 2001. -704 б.
48. Эрқаев Б ва бошқалар. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Т.: «Шарк», 1996.

3. Статистик маълумотлар тўпламлари

49. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2009 йил якуни.

50. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2010 йил якуни.
51. Наманган вилоятининг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш кўрсаткичлари. // статистик тўпл. 2011 йил якуни.

4. Интернет сайтлари

52. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитасининг расмий сайти.
53. www.ceep.uz.- Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази расмий сайти.
54. www.bearingpoint.uz.- USAID Bearingpoint Uzbekistan Economic Reform.
55. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.
56. www.management.ru.- официальной сайт Российской компании «Консалтинговая группа МД».

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т: «Ўзбекистон», 1992.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохатларни чуқурлаштириш йулида. Т: «Ўзбекистон», 1995.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ҳтишнинг ҳзига хос йҳли. Т: «Ўзбекистон», 1993.
4. Каримов И.А. Узбекистон XXI - асрга интилмоўда. Т: «Ўзбекистон», 1999.
5. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. Т: «Ўзбекистон», 1997.
6. Каримов И.А. Иқтисодиётни эркинлаштириш - фаровонлик пойдевори. Т.: «Халў сҳзи» рҳзнамаси, 22 июль 2000.

7. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон хаёт пировард мақсадимиз. Т: «Ўзбекистон», 2000.
8. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI - аср бҳсаъасида: хавфсизлика тахдид, барўарорлик шартлари ва тараўўиёт кафолатлари. Т: «Ўзбекистон», 1997.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиўлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т: «Ўзбекистон», 1996.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т: «Ўзбекистон», 1998.
11. Каримов И.А. Баркамол авлод - Ўзбекистон тараўўиётининг пойдевори. Т: «Ўзбекистон», 1997.
12. Каримов И.А. Ўйшлоў ххжалиги тараўўиёти - тҳкин хаёт манбаи. Т: «Ўзбекистон», 1998.
13. Кейнс Дж.М. обҳая теория занятости, процента и денег. Пер анг. М.: «Иностранная литература», 1948, 90 бет.
14. Маконелл К.Р., Брю С.Е. Экономикс: Принципи, проблем и политика. 2 т Пер с анг. М.: ВЛАДОС, 1992
15. Камаев В.Д. Экономическая теория. Учебное пособие для ВУЗов. М.: ВЛАДОС, 1999.
16. Эркаев Б ва бошқалар. Бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиш воситалари. Т.: «Шарк», 1996.
17. Аманжаев Т.Г. Роль государство при переходе к рыночной экономике. Вестник МГУ. Серия б.: Экономика. №6 1996.
18. Анрдианов А. Государственное регулирование и механизму саморегуляции в рўночной экономике. Мировой опўт и Россия. Вопросў экономики, №9 1996.
19. Фарберман Б.Л. Передовўе педогогическўе технологии. Т.: «Фан», 2000.
20. «Ўзбекистон миллий иўтимодиётни» хўув предметидан тузилган маоруза матни. ФарПО, «Иқтисодиёт» кафедраси, 2000.
21. «Миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш», хўув предметидан тузилган маоруза матни, тест саволлари ва назорат топшириўлари. ФарПО, «Иқтисодиёт» кафедраси 2000.
22. «Таолим тҳърисида», «Кадрлар таёрлаш миллий дастури тҳърисида»ги ўонунлар. Т. «Ўзбекистон», 1997.
23. www.stat.uz. - Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика кўмитасининг расмий сайти.
24. www.internetindicators.com.- Иқтисодий индикаторлар интернет веб-сайти.
25. www.management.ru.- официальной сайт Российской компании «Консалтинговая группа МД».
26. www.iscti.ru.
27. www.bank referatov.ru.
28. www.webww.net.ru.